

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ
“ТАСВИРИЙ САНЪАТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР” КАФЕДРАСИ

“Ҳимояга рухсат этилсин”
Факультет декани
_____ А.А.Юсупов
“ _____ ” _____ 2018 йил

5150800 – “Рангтасвир (Маҳобатли рангтасвир)” таълим йўналиши кундузги
бўлим

04-14-гуруҳ талабаси

ХАКИМОВ САРДОР СОБИРЖОН ЎҒЛИ

“ЦИРК” мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: “Маҳобатли
рангтасвир” кафедраси
доценти
_____ А.М.Алиқулов

“Ҳимояга рухсат этилсин”
“Маҳобатли рангтасвир”
кафедраси мудири
_____ Ш.Р.Жуманиязов
“ _____ ” _____ 2018 йил

ТОШКЕНТ – 2018 йил

Мазкур Битирув малакавий иши “Маҳобатли рангтасвир”
кафедрасининг 201__ йил _____ даги № _____ сонли ва
Тасвирий санъат факультети Кенгашининг 201____ йил _____
_____ даги мажлисда муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия этилган.

Такризчи: _____

Ҳимоя 2018 йил _____ соат _____да ўтказилади.

Манзил:Тошкент шаҳри Миробод тумани Мироншоҳ 123 уй.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
АСОСИЙ ҚИСМ	
I БОБ. ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	9
1.1. Тасвирий санъат жанрлари ҳақида тушунча.....	9
1.2. Ҳозирги кунда маҳобатли рангтасвирнинг ўзига хос хусусиятлари.....	18
II БОБ. ЎЗБЕК ЦИРК РИВОЖИ.....	30
2.1. Замонавий ўзбек цирк санъати ривожини.....	30
2.2. Витраж санъатининг аҳамияти ва унинг ўрни.....	32
2.3. “Цирк” композициясининг таҳлили.....	35
Хулоса.....	41
Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	43
Глоссарий.....	44
Илова.....	52

КИРИШ

Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айрим ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табарруқ заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, она юртимизда туғилиб камолга етган улугʻ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Бу кўҳна тупроқда милودгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Аجدодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончилик ва

бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.¹

Мавзунинг долзарблиги. Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган маданий, санъат ёдгорликлари жуда кўп. Авваламбор, шунини айтиш жоизки, олис ота-боболаримизнинг ақл-заковати, қалб кўри маҳсули бўлмиш бу ноёб ёдгорликларнинг замон тўфонларидан, қанчадан-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам. Бундай ўлмас осори атиқалар бу кўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради.

Ана шундай тарихий маданий ёдгорлик намуналари билан яқиндан танишар эканмиз, уларда ифода этилган теран фикр ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси бизни бугун ҳам ҳайратда қолдиришига яна бир қарра амин бўламиз. Буюк цивилизация ва маданият бешиги бўлган, кўҳна ва ҳайратомуз тарихни ўзида мужассам этган Ватанимиздаги бебаҳо санъат ёдгорликлари, осори атиқалар ҳақида сўз юритар эканмиз, шу заминда яшаётган барча инсонлар уларни аввало халқимиз даҳосининг ёрқин намунаси, таъбир жоиз бўлса, унинг юксак маънавиятига қўйилган муаззам ҳайкаллар деб қабул қилади.

Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзотнинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир. Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, янглишмаган бўламиз.

Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, халқимиз тарихнинг ҳар қандай тўфон ва суронларига қарамасдан, миллий ўзлиги ва азалий қадриятларини сақлаб қолиб, бугунги дорилумон замонларга безавол етиб келишида унинг қон-

¹ И.А.Каримов. «Юксак маънавият — енгилмас куч» 2008й, 30-31б.

кони, суяк-суягида бўлган маънавий жасорат туйғуси, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи таъсир ўтказиб келмоқда.

Санъат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топиш ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳар қайси истеъдод эгаси ўзига хос бир олам. Бу ҳаётда уларни бирлаштирадиган, янги ижодий марралар сари илҳомлантирадиган муқаддас тушунчалар борки, улар Ватан ва халқ манфаати, эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Агарки ҳар қайси ижодкор, ўз асарларида ана шу ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадиий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз, адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам том маънода маънавий юксалишга хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишга эришган бўлади.

Илмий изланишнинг мақсади ва вазифалари: “Цирк” деб номланган композиция “Ўзбекдаватцирк” биноси учун мўлжалланган. Шунинг учун диплом ишида ёшлар тарбияси, уларнинг маънавий камолотига урғу бериб, санъатнинг, хусусан маҳобатли рангтасвирнинг ёшларни миллий руҳда тарбиялашдаги ўрнини таъкидлаб кўрсатишни бош вазифа қилиб олдим. Миллатимиз тарихи, унинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик; ўз элига, миллатига жонкуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб-авайлаш; халқ одатлари, анъаналари, қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; ўз миллатига меҳр-муҳаббатини амалда намоён қилиш; аجدодлар хотираси олдида ворислик масъулиятини ҳис қилиш, тарихда ўтган буюк сиймолар тарихини ўрганиш, уларнинг ҳаёт фаолиятдан ибрат олиш каби вазифалар билан боғлиқ.

Инсон маънавий маданиятини белгилаш, унинг шаклланиш сабабларини аниқлаш, маънавий бойлик ижодкори ва яратувчилари, қолаверса бугунги кун кишиси қандай сифатларга эга бўлишлари кераклигини тушунтиришдан иборатдир.

Мавзунинг ўрганилиш даражасининг қиёсий таҳлили: Таниқли рассомлар, санъатшунос олимларнинг илмий асарлари, “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” хизмат қилади.

Тадқиқотнинг ижодий қиммати шу билан белгиланадики, унда иш жараёнида асарнинг назарияси чуқур таҳлил қилинади. “Цирк” тамошалари композицияси асослари, амалий машғулотларда назарий асосларидан фойдаланишнинг услуб ва шакллари тадбиқ этилади. Рангтасвир дарсларида асар ишлашнинг мазмуни ва ишлаш йўллари ўзига ҳос жиҳатлари ишлаб чиқилди.

Мазкур Битирув малакавий иш мавзуни тўлиқ ёритишга қаратилган бу тасвирий санъат фанидаги дастур мазмунидаги рассомлар ўзлаштириши лозим бўлган назарий билимлар, амалий малака ва кўникмаларни уддалаши керак бўлган мавзу ёритилган, шунингдек, амалий ишлашга ўргатиш усуллари каби масалаларга қаратилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Илмий ижодий ишда тарихийлик, ҳаққонийлик, илмийлик асос қилиб олинган. Асарда бадиий ечими, портрет санъати анъаналарига таянилиши, унда, цирк актёрининг гриммхонада аъло кайфияти реал воқеликда акс эттирилиши, костюмнинг миллийликни ифодаловчи орнаментлар асосида шарқ ва ғарб анъаналари уйғунлаштирилганлиги мавзунинг ижодий янгилигини ташкил қилади.

Тадқиқот объекти ва предмети: “Цирк” мавзусида ишланган замонавий мавзудаги композиция таҳлили. Замонавий мавзудаги бу композиция иши “Ўзбекдаватцирк” биноси учун витраж услубида мўлжаллаб ишланган.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти: шу билан белгиланадики, унда:

- Маиший жанрининг қонун қоидаларининг назарий қисми ёритилиши.
- Маиший жанрининг иш жараёнининг таҳлили қилиш орқали турли услуб ва шакллари татбиқ этилди.

Ўзбек “Цирк” томошалари композициясини ишлаш йўллини аниқлаш мақсадида тажрибалар юритилиб, эскизлар ишлаб, амалий иш бажарилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, рассомлар композиция ишлаш учун таълим дастурида кўрсатилган турли ўзбек “Цирк” томошалари композициясини ишлаш йўллари ишлаб чиқилди, унинг мазмунидан ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

I БОБ. ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

1.1. Тасвирий санъат жанрлари ҳақида тушунча

Тасвирий санъат жамият ва одамларнинг кундалик ҳаётига, меҳнат фаолиятига шунчалик сингиб кетганки, бу кишиларнинг бутун шахсий ва ижтимоий фаолиятларида тўла намоён бўлади.

«Санъат» -арабча арабча санъатун сўзидан олинган бу истилоҳ маъно жиҳатидан русча «искусство» сўзига ҳам айнан мос келади. Лекин арабларнинг ўзи «искусство» маъносида «фан» сўзини қўллайди. Кенг маънодаги ижод жараёнини санъат сўзи негизида талқин этадиган бўлсак, масаланинг ечимига қисқа йўл билан, қолаверса, чуқурроқ кириб бориш имкони туғилади. Маълумки, санъат сўзи ясамоқ, ишламоқ, сайқал бермоқ маъноларини билдиради.

Жанр сўзи франтсуз тилидан - тур кўриниш деган маънони англатади. Умумий тушунчаси бу - чегараланган мавзуни ўзида акс эттирадиган санъат асарлари. Масалан, манзара, табиат кўринишларини акс эттирадиган расмларни манзара жанрига оид расмлар дейилади. Алоҳида ёки одамлар тўпини акс эттирадиган расмлар эса портрет жанридаги расмлар дейилса, мева, гул, уй буюмлари ва шунга ўхшаш нарсаларнинг тасвирини акс эттирувчи расмлар натюрморт жанридаги расмлар дейилади ва х. к. ²

Манзара жанри Тасвирий санъатнинг лирик турларидан бири, унда реал ёки ҳаёлий табиат кўринишлари орқали рассомнинг хис туйғулари, ўй ҳаёллари, орзу истаклари ўзифодасини топади. Бу жанрда инсон фаолияти билан ўзгариб бораётган табиат манзаралари, меъморий қурилмалар, тоғ манзаралари, денгиз тўлқинлари тасвирланади. Табиат кўринишлари мавзули композитсиялар мазмунини тўлдирувчи восита сифатида ҳам иштирок этиб рангтасвир ва графика асарларида, ҳайкалтарошликнинг бўртма кўринишларида кенг ишлатилади. Табиат манараларининг акси қадимдан рассомларнинг диққатини ўзига жалб этиб келган. Турли маиший,

² San'at tarixi N. Abdullayev. 2/1

тарихий ва батал жанрида ишланган расмларда табиат кўринишлари ва унинг унсурлари кенг учрайди. Қадимги Шарқ мамлакатлари жумладан Оссурия, Бобил, Миср деворий расм ва бўртма тасвирларида шуникўриш мумкин. Урта Осиё маданиятида Қадимги Хоразм деворий суратларида манзара жанрининг ўрни салмоқли. Ўрта асрларга келиб манзара жанри миниатюраларда, монументал деворий расмларда учрайди, Ўрта асрлар Хитой санъатида ҳам манзара жанри муҳим ўринни эгаллаб «тоғ ва сувлар» туркум асарларида ўз аксини топди. Ўрта аср Хитой рассомлари Го Си (XI аср), Ма Юан, Ся Гуй (ҳар иккиси) ³

XII асрнинг 1-ярми.), Му-тси (XIII асрнинг 1-ярми.) манзара жанрида салмоқли асарлар яратиб қолдирдилар. Ўрта аср япон манзарачилиги ҳам сезиларли ютуқларга эришдилар. Инсоннинг табиат қўйнидаги фаолиятини манзара кўринишларида ифодаладилар. Катсусика Хокусай ва Андо Хиросиге ижоди шу ўринда эътиборга лойиқ.

XIII-XV асрлардан бошлаб европа рассомчилигида манзара муҳим ўринни эгаллай бошлади. Ва яратилаётган асарларнинг ажралмас қисмига айлана борди. Уйғониш даври рассомлари табиатни ўрганиш, инсонни ўраб турган муҳитни тўлақонли тасвирлашга интилиш реалистик санъат ривожига муҳим ўринни эгаллай бошлади. Шу ҳаракатлар манзара жанрининг мустақил жанр даражасига кўтарилишига замин яратди. XVII аср бошларига келиб қатор рассомлар ижодида, жумладан италиялик ака ука Каррачилар ижодида мумтоз манзара тамойиллари шаклланди. Манзара жанри ҳам ўзида юксак идеалларни акс эттирувчи санъат тури қаторига ўта бошлади. Никола Пуссен, Клод Лорен ижоди, Салвадор Роза ва бошқалар ижоди шу хусусиятларни ўзида ифодалади. Манзара жанри ривожига голланд рассомлари ҳам сезиларли ўринни эгалладилар. Я.ван Гойен, Х.Сегерс, Я.ван Рёйсдал, М.Хоббема, Рембрандт, Я.Вермер Делфтли ва бошқа рассомлар ўз асарларида табиатнинг жонли кўринишини ўз ҳиссий кечинмалари, ўй

³ <http://eduportal.uz/jahon.tarixi.8/band/9-10.htm>

хаёллари билан бойитдилар. Манзара мустақил жанр сифатида ҳаётга кенг кўламда кириб келди. Манзара жанрининг янги босқичи XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Табиат кўринишларини ҳаққоний тасвирлашга нур - хаво тўла асарлар яратишга ҳаракат қилиш француз рассомлари ижодида сезиларли ўринни эгаллади.⁴

XIX аср ўрталаридан бошлаб очиқ кенгликда (пленерда) расм ишлаш одат тусига кира борди. Бу хусусда Буюк Британияда Ж.Констебл, Россияда А.Иванов каби рассомлар фаоллик кўрсатдилар. Аста Франция мактаби вакиллари, шунингдек К.Коро шу масала билан жиддий шуғулланиб унинг ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Пленернинг ҳақиқий ривожини XIX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб айтиш мумкин. Бу даврдан бошлаб Пленер ибораси ҳаётга кириб келди, муомалада қўлланилиб француз импрессионист рассомлари К.Моне, К.Писсаро, О.Ренуар ижодига нисбатан ишлатила бошланди.

XIX аср охири XX аср бошларида пленер рангтасвири Европа, Осиё, Америка рассомлари ижодида ўз ифодасини топди. Ўзбекистонга бу рангтасвир XIX аср охиридан кириб келди. Л.Буре, И.Казаков, О.Татевосян, А.Исупов ва б., кейинроқ П.Бенков ва унинг шогирдлари (Р.Тимуров, А.Розиқов ва б.) ижодида ривожланди. аср манзара рассомлиги шу даврнинг ғоявий пластик изланишлари билан узвий боғлиқ. Турли оқим ва йўналишлар манзара жанрида ҳам ўз ифодасини топди. Ўзбекистонда манзара жанри ҳам узок тарихга эга бўлса ҳам лекин унинг кенг кўламда ривожланиши XX асрнинг ўрталаридан бошланди. Урол Тансиқбоев, Рашид Тимуров, Николай Корахон, Неъмат Қўзибоев кейинроқ Анвар Мирсоатов, Абдуманноп Юнусов ва бошқалар ижоди шу жанрнинг турли кўриниш ва йўналишларини намоён этади. Неъмат Қўзибоев Марина (итал. денгизники, денгиздан) жанри денгизкўринишлари, ундаги ҳаёт, инсон ва денгиз муносабатлари, инсоннинг денгиз ичидаги курашларини акс эттирувчи

⁴ <http://eduportal.uz/jahon.tarixi.8/band/9-10.htm>

санъат (расм, рангтасвир, гравюра, рельеф бўртма тасвир) тури. XVII асрда Голландияда мустақил жанр сифатида шаклланган. Италиялик Ж.Верне, инглиз Ж.Тернер, рус И.Айвазовский, Боголюбовлар шу жанрда самарали ижод қилишган. Ўзбекистонда бу жанр XX асрнинг 1950 - йиллардан шаклланиб Мадгазин ва Матевосянларнинг Орол денгизига бағишланган асарларида, Г.Абдурахмоновнинг Гурзуфда ишлаган композицияларида ўз ифодасини топган.⁵

Манзара жанрининг кўринишларидан бири бу интерьер ҳисобланади. У биноларнинг ички қисм кўринишларини ифодалайди. Бу жанр қадимги Миср, Хитой рассомчилигида учрайди. Улар ўз ишларида ақл бовар қилмайдиган даражада аниқлик билан перспектива қонунлари асосида интерьерни тасвирлай олганлар. Бу жанрда ижод қилиб Жотто, А.Веррокко, Леонардо до Винчи, Рембрантлар шуҳрат қозонганлар.

Манзара жанрининг иккинчи бир кўриниши бу марина жанридир. Унда асосан денгиз кўринишлари ва ундаги ҳодисалар тасвирланади. Марина жанрини шаклланишида И.Айвазовскийнинг хизматлари катта бўлган. У ўзининг умрини фақат денгиз кўринишларини тасвирлашга бағишлади. Унинг “Тўққизинчи вал”, “Чесмен жанги”, “Қора денгиз”, “Тўлқинлар орасида” каби асарлари жаҳон тасвирий санъатида муносиб ўринни эгаллади.

Марина жанридаги асарлар бошқа жанрдаги асарлар билан биргаликда ҳам ифодаланади. Масалан, портрет, манзара, тарихий, турмуш в.б.

Манзара жанри кўпроқ рангтасвирда, қисман графика ва ҳайкалтарошликда қўлланилади. Ҳайкалтарошликда манзара асосан унинг рельеф турида ишлатилади. Ҳайкалтарошликда манзара кўринишлари асосий эмас, тўлдирувчи, қўшимча аҳамият касб этади.

Портрет (фрац.- тасвирлаш) - Одам ёки одамлар гуруҳини акс эттирувчи тасвирий санъат жанри. Мазкур жанрда мавжуд бўлган ёки ўтиб кетган бирор бир шахс ёки шахслар гуруҳи, рассом (ижодкор) тасаввурида

⁵ <http://eduportal.uz/jahon.rassomlari.Janrlar/band/9-10.htm>

пайдо бўлган ҳаёлий қиёфалар акс этиши мумкин. Портрет ҳам санъатнинг бошқа турлари сингари ижодкорнинг дунё қараши билан, унинг ҳаётга, борлиққа бўлган муносабати билан боғлиқ. Портретнинг муҳим томони бу тасвирланувчининг айнан ўзига ўхшатиш билан боғлиқ. Портрет иборасининг келиб чиқиши ва дастлабки маъноси ҳам эски франтсуз тилида «ўхшатиш», «бор нарсани ўзига ўхшатиб қайтариш» мазмунидан олинган. Лекин бу рассомнинг тасвирланувчига бўлган муносабати (хурмати, нафрати ва х.к.) ни акс эттиришга ҳалақит бермайди.⁶

XX асрга келиб рассомлар сафи янада кўпайган. Булар орасида Н.Кузнетсов, К.С.Петров Водкин, А.В.Исупов, С.Юдин, И.Казаков кейинчалик шу йрда туғилиб ижод этган рассомлар: Александр Николаев Волков, Петр Максимович Буре маҳаллий рассомлар: Аҳмад Дониш, Хожи Носир Муҳаммад Шокир қаъби рассомлар Ўзбекистон дастгоҳли рангтасвири, портрет жанрида муҳим ўрин тутди.⁷

Шамсирўй Ҳасанова Тошкентда хунарманд оиласида таваллуд топди. Шу ерда етти йиллик ўрта мактабни тугатгач, Тошкент рассомлик билим юртида Александр Волков, В.Л.Рождественский, Павел Ган қаби рассомлардан тасвирий санъат асослари ўрганди. Кейинроқ В.Серов шогирди М.В.Шемякин кўлида ўқиди. Ҳасанова ижодига Рождественский таъсири катта бўлди.

Рассом портрет орқали тасвирланувчи шахснинг маънавий дунёсининг бой ёки қашшоқлигини, ижтимоий ҳаётдаги ўрни, касби, жамиятдаги мавқени акс эттириши ва унинг шу жихатлари орқали давр хусусияти, сиёсий иқтисодий аҳвол ҳақида маълумот бераолади. Бу эса рассомнинг ғоявий эстетик ва сиёсий қарашлари даражаси билан боғлиқ. Шунинг учун етукпортрет асарлари орқали на фақат шахс ҳақида балки шу шахс яшаган давр, муҳит ҳақида маълумот олиш мумкин. Рассомнинг профессионал маҳорати, портрет ишлаш учун танлаган материаллари (бўёқ, расм

⁶ <https://uz.wikipedia.org/wiki/Portret>

⁷ http://eduportal.uz/jahon_rassomlari_Janrlar

ишланадиган асос, иш асбоблари ва х.к.) эса унинг яратган асарларига қайтарилмас, бетакрор ўзига хослик бахш этади ва дастхатини белгилайди.

Тарихан портрет санъатида хилма хил тур ва кўринишлар шаклланган. Портрет ишланиш услуби (техникаси), бажарадиган вазифаси, мазмунига қараб Дастгоҳ, монументал портрет тарзида тасвирланувчи (ёки тасвирланувчилар) нинг фақат бош қисми, бош ва елка қисми, белигача, бутун бўй баста билан унинг олд, ён томонидан ишланиши мумкин. Мазмунига қараб тантановор парад портрет, интим, интим лирик портрет бўлиши мумкин.

Портрет турли нишон, танга, медаллар юзасига ишланиши (Медалерсанъати), гемма (Глиптика) да, медалонларда учрайди. Портретда тасвирланган одамлар сони, улар тасвирланган муҳит (замин-фон) ва мазмунига кўра якка, кўшалок ва гуруҳ портретларга ажралади. Портретнинг яна бир тури автопортрет бўлиб, рассомнинг ўзини ўзи ишлаган портретлар назарда тутилади.

Портрет санътида тасвирланувчи соф ҳолда атрофдаги муҳитни кўрсатмасдан тинч ҳолатда тасвирланиши ёки унинг бирор фаолияти билан маълум муҳитда ишланиши мумкин. Бунда тасвирланувчи фаолиятини билдирувчи буюмлар, уларнинг сифати ва хусусияти, яшаётган муҳит ва х.к тасвирланувчи феъли ва фаолияти моҳиятини тушунишга чизмат қилади. Шунинг учун портретларни шартли соф портрет ва портрет - картинага, аниқроғи жанрли портретга ажратиш мумкин, Жанрли портрет мазмунига кўра тарихий портрет ёки маиший портрет деб номланади.

Портрет санъатининг яна бир кўриниши бу йиғма портрет - портреттипдир. Бундай портретларда рассом турли одамларнинг энгхарактерли томонларини йиғиб, жамлаб янги умумлашма қиёфа яратади. Бундай портретда бирор аниқ шахс бўлмаслиги, лекин даврнинг энг характерли шахси қиёфасини акс эттиради.

Шаҳснинг фақат ижобий томони эмас, балки унинг салбийтомонларини акс эттирувчи сатирик портрет, кулгили томонини кўрсатувчи шарж

портретлар ҳам шу жанрга мансуб. Сатирик портретлардан шаржнинг фарқи у хазил мутоиба, самимий тарзда бўлади ва шахснинг шаъни, ғурурини камситмаган ҳолда унинг фел атворидаги айрим ўзига хос томонларини кўрсатиши мумкин.

Портрет усталарининг ишини кузатар эканмиз, албатта ҳар бирида алоҳида бир умумийликни англаймиз. Портретда шубҳасиз ташқи кўринишдаги оригиналлик ва ички ҳиссиёт сезилиб туради.

Портрет санъатининг энг машҳур ва бебаҳо, сўзсиз “Мона Лиза Жаконда” дир. Бу асар уйғониш даврининг машҳур рассом Леонардо да Винчи томонидан ишланган бўлиб, у ҳозирда Парижнинг Лувр музейида сақланмоқда. Асарнинг асосий ютуғи портретда инсон ва унинг ички кечинмаларини уйғунлашганидадур.

Асар оддий тахтага ишланган бўлиб колорити яхши рангда. Мона Лиза эса графиня аёл, мулойимгина, қўлини иккинчи қўли устига оҳиста қўйган ҳолда, майн табассум билан боқади.

Инсоният тарихи давомида энг машҳур санъат асарларидан бири “Жаконда”дир. Унда яқиндагина ўз эридан жудо бўлган йигирма олти ёшли жувон – флорентсиялик Мона Лиза тасвирлвнган. Бу айёлни сохибжамол деб айтиб бўлмайди, лекин у истарасининг иссиқлиги билан бизни мафтун этади.

Мона Лизанинг қиёфаси ғамгин аммо, биз уни сиймосида чуқур изтиробни кўрмаймиз.

Унинг нигоҳи сеҳрли. Уни кўзлари ҳар қандай бағритош одамнинг ҳам юрагини жумбушга солади.

Бу нигоҳни, бу таббассумни ҳеч қачон эслаб ҳам ҳолмаймиз, чунки суръатга ҳар сафар қараганимизда, улар турлича бўлади, чунки улар сизнинг руҳий ҳолатингизга ва Мона Лиза руҳий ҳолатига қараб ўзгараверади. У суръат эмас, балки ўзи тирик тургандек бўлаверади.⁸

⁸ <http://eduportal.uz/janrlar.8/band/9-10.htm>

Унинг ижодкоир XVI асрнинг истеъдодли мусаввири, ҳайкалтарош, файласуф ва олими, Италиян уйғониш даврининг атоқли намоёндаси Леонардо да Винчи. У аёлни бўёқ билан эмас, юраги билан тасвирлагандир.

Ҳар бир жанр ўз ўрнида яна бир қанча жанрларга бўлиниши мумкин. Масалан табиат манзараси жанри, шаҳар манзараси жанри, индустриал манзара жанри, денгиз манзараси (марина) жанри ёки портрет жанрини тантанаворлик, ишқий, гуруҳли жанрларга бўлиш мумкин.

Вақт ўтиши билан жанрлар табақалашиб, мустақил тус оладилар. Масалан, манзара жанридан марина, тарихий жанрдаги батал жанри ажралиб чиққанлар.

Натюрморт (франц. ўлик табиат) инсонни ўраб турган борлиқ - турли буюмлар, овда отилган қуш ва ҳайвонларнинг жонсиз таналари, ов , меҳнат ва жанг қуроллари, гул ва мевалар ва бошқа шунга ўхшаш буюмларларни ўзида акс эттирадиган тасвирий санъат тури. Бу жанр асосан 17 асрда шаклланган ва ривожланган. Бунга қадар у мавзули композитсияларнинг тўлдирувчи, мазмунини чуқурроқ тушунишга хизмат қилувчи восита сифатида қўлланилиб рамзий мазмунда ишлатилган Натюрморт жанри унсурлари қадимги дунё санъатида учрайди, лекин мустақил жанр бўлиб шаклланиши янги давр билан боғлиқ. Моддий дунёги қизиқишнинг ортиши билан натюрморт жанри ҳам ривож топа борди. Италия, нидерландиялик рассомлар шу жанрда дастлабки асарларини яратдилар. 17 асрга келиб бу жанр ўзининг гуллаш даврини бошидан кечирди. Унинг турли тип ва шакллари пайдо бўлди, миллий мактаблар шаклланди. Италиялик Караважо ва унинг давомчилари - караважистлар шу жанр ривожига катта ҳисса қўшдилар. Италия, Испания ва Голландия рассомлари шу жанрнинг бой имкониятларини ўз ижодлари билан намоён этдилар. Натюрморт ишловчи рассомларнинг сеvimли мавзулари гуллар, мева ва сабзовотлар, ошхона анжомлари, денгиз ноз нематлари эди. В. Хеда ва П. Клас «нонушталари», В.Калфнинг «дисертлари, А.Бейрен «балиқлари» ва бошқа натюрмортларунинг рангбаранглигини билдиради. В. Хеда. «Нонушта». 17

асрнинг охри 18 асрларда Франтсия санъатида ҳам натюрморт жанрида муҳим асарлар яратилди. Ж. Б. С. Шарден натюрмортлари ўзининг нозик колорити, эркин композитсияси билан эсда қолади. Расм. Ж. Б. С. Шарден. Санъат атрибутлари.

19-20 асрларда яратилган натюрморт асарлари шу йилларда бадиий ҳаётда содир бўлган жараёнлар билан узвий ривожда бўлди. 19 асрнинг ўрталаридан бирин кетин пайдо бўлган турли саъят йўналишлари натюрморт жанрида ҳам ўз ифодасини топди. э.Мане, К.Моне, П.Сезанн, В. ван Гог А.Матисс, Ж. Брак, П.Пикассо, Х.Грис ва б. ижодида янги жараёнлар ўз ифодасини топди. Ўзбекистон санъатида натюрморт жанрининг айрим кўринишлари қадимги дунё ва илк ўрта асрлар санъатида учраса ҳам, масалан Тупроқ қала шохлар саройи деворий расмларида гул ва мевалар тасвири, Афросиёб деворий расмида тус товуклар олдида турган вазадаги мевалар, ўрта аср наққошлик ва деворий рассомлигида учрайдиган гулдондаги гуллар ва х., лекин унинг ривожланиши ва жанр тарзида шаклланиши 20 асрнинг 20-30 йилларига тўғри келади. Латиф Насриддинов, Шамсирўй Хасанова каби ўзбек рассомлари шу жанрнинг дастлабки дастгоҳ кўринишларини яратдилар. Ш.Хасанова. Натюрморт. 1943йил. Ю.Елизаров, Н.Кашина, З.Ковалевская, Р.Ахмедов, Абдурахмонов ва б. шу жанрда сезиларли асарлар яратдилар. Бугунги кунда бу жанр ўзбек рассомларининг кўпчилигининг севамли жанри ҳисобланади, А.Юнусов, А.Икромжонов, В.Бурмакин, Е. Мелников ва буларнинг шу жанрдаги асарлари музей экспозитсияларидан ўрин олган.

Тарихий жанр. Тасвирий санъатнинг муҳим жанрларидан бири тарихий жанр ҳисобланади. Ижтимоий ҳаётда содир бўлган ва жамият ривожига бурилиш нуқталарини белгилаган воқеа ва ҳодисалар, тарихий шахслар рассомнинг дастгоҳ ва маҳобатли асарларида, бўртма тасвирларда, ҳайкал ва ёдгорликларда, кичик ҳажмдаги миниатюралари дастгоҳ графика асарларида ўз ифодасини топиши мумкин. Тарихий манзиллар, қадамжолар ҳам шу жанрнинг сюжети ҳисобланади. Тарихий жанр батал жанри билан яқинлашиб

кетади. Жанг воқеаларининг хал қилувчи дамларини акс эттирувчи композитсиялар шундай асарлар қаторига киради. Жумладан Александр Македонскийнинг Доро билан бўлган жангини акс эттирувчи мозайика, (мил. ав IV-III асрлар).⁹

1.2. Ҳозирги кунда маҳобатли рангтасвирнинг ўзига хос хусусиятлари

Маҳобатли рангтасвир тарихи ибтидоий одамнинг ғорлар деворига чизган расмларидан бошланади. Ибтидоий жамоа инсонларининг санъати қадимги тош даврига бориб тақалади. Уни одатда, олдинма кетин келувчи даврларга бўлиш мумкин. Уларнинг энг қадимгиси Ориньяка, ундан кейин Мадлен ҳисобланади. Ориньяка маданиятига тааллуқли қоялардаги суратлар Ўзбекистоннинг Сурхандарё худудидаги Заравутсой қояларида, шунингдек жанубий Франция ва шимолий Испания ғорларида сақланган. Мадлен маданияти даври учун энг қизиқарли деворий суратлар Шимолий Испаниянинг Алтамир, Кастало ва Жанубий Франциянинг Марсула ва Фонде Гома ғорларида сақланиб қолган. Бронза даврининг қоятошларида ва Заравутсойнинг ўнгирларида, темир асрининг қояли суратлари Қримдаги Качи дарёсининг ўнг тамонида сақланиб қолган.

Энг қадимги деворий рангтасвир асарлари ғорлар ва қоялар деворларининг оҳактошли сиртида бевосита ҳеч қандай тайёргарликсиз тўғридан - тўғри амалга оширилган. Уларнинг деворларида рангтасвир энг оддий бўёвчи моддалар ёрдамида бажарилган. Қўлланилган ашёларнинг мутлақо оддийлигига ва унинг техникасининг мураккаблигига қарамасдан мазкур қадимий ғорли ва қоявий асарларнинг кўплари ниҳоятда яхши ҳолатда кўп минг йилликлар мобойнида сақланиб қолган. Шунингдек маҳобатли рангтасвирнинг қадимги намуналари сифатида Миср, Крит - Микен, Қадимги Римнинг Помпей ва Геркуланум шаҳарлари, қадимги антик

⁹ <http://eduportal.uz/jahon.tarixi>.

давр Грецияси, қадимги Рус маҳобатли рангтасвир технологиясини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Географик ўрни, ажойиб табиати сабабли қадимги овчи, термачи ва чорвадорлар учун энг қулай жойлардан бири бўлган Тошкент воҳасида ҳам қадимий қоятош расмлари ёдгорликлари топилган. Бугунги кунда уларнинг умумий сони 10000 нусхадан ортиқдир. Бу ажойиб қадимги санъат асарлари жуда жонли ва ҳаракатчан ҳолда, бир неча услубда акс эттирилган. Улар қадим замонлардан то кейинги даврларгача уриб чўкичланган. Тошкент воҳасидаги баъзи бир қоятош расмлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар Марказий Осиёдаги шу хилдаги ёдгорликлар орасида алоҳида ўрин тутди. Воҳадан қандайдир хусусиятлари билан ажралиб турувчи бир неча қоятош расмлар марказлари топилган ва ўрганилган. Ана шундай қоятош расмлари ёдгорликлари қаторига Хўжакент, Қорақиясой, Бошқизилсой, Чотқол, Паракадасой, Охангарон ва бошқаларни киритиш мумкин.

Хўжакент қоятош расмлари ёдгорлиги Тошкент шаҳридан 70 км. шимоли-шарқда, Чотқол тоғларининг ғарбий ёнбағрида ва Чирчик дарёсининг чап қирғоғида жойлашган. Бу эрдаги расмлар баландлиги 12,5метр, узунлиги 18 метр бўлган, тик оҳактошли қояга уриб чўкичланган. Расмлар асосан қоянинг пастки, яъни одам бўйи баландлигидаги қисмида жойлашган. Хўжакент қоятошларида 90дан ортиқ алоҳида ва композицион ҳолдаги ҳар хил расмлар бирлиги аниқланган. Қоя сиртига асосан тоғ эчкилари, архарлар, кийиклар, отлар, итлар, буқа ва тушунарсиз расмлар чизилган. Булардан ташқари Хўжакент қояларида одамларнинг расмларини ҳам учратиш мумкин. Расмлар соя, контур ва оддий чизиқли услубларда акс эттирилган. Уларнинг деярли ҳаммаси бир хил урилиш техникасида ишланган.

Хўжакент расмлари турли мавзуларга бағишланган бўлиб, қадимги одамларнинг турмуши ва диний тушунчаларини қамраб олган. Бу расмлар қадимги аجدодларимизнинг нафис санъати намуналари бўлиб, тасвирий санъатнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бу расмларнинг тарихий аҳамиятга эга бўлганлиги сабабларидан бири-уларнинг даврланиши бир неча минг йилликларни қамраб олганлигига ҳам боғлиқ. Энг қадимий қатлам расмлари милоддан олдинги тўртинчи ва учинчи минг йилликлар, яъни энеолит даврига тегишлидир. Қоядаги баъзи расмлар бронза даврида (мил.авв. II мин йил) уриб чўкичланган. Лекин кўп расмлар сак-скиф даврида (мил.авв. I минг йил) чизилган.

Хўжакент расмлари энеолит, бронза ва сак-скиф даври одамларининг диний удумлари, ирим-сиримлари сирларини сақлаб келмоқда. Айтиш мумкинки, Тошкент воҳасида минг йиллар давомида қадимги санъат тури бўлган қоятош расмлари аجدодларимиз томонидан мажусийлик, сеҳргарлик ва яна қандайдир диний тушунчалар мақсадида ва ўша давр кишиларининг турмуши, машғулотлари билан боғлиқ бўлган ҳаётий воқеаларни акс эттириб келган.

Маҳобатли рангтасвир санъати тарихига назар ташлар эканмиз, XX асрнинг иккинчи ярмида алоҳида қизиқиш билан ўрагилган қадимий Афросиёб харобаларини тилга олмай иложимиз йўқ. “Афросиёб” музейидан 150-200 метр ғарб томонда топилган сарой қолдиқларидан 7 асрга оид деворий суратлар очилган. Саройнинг баъзи хоналаридаги деворлар бошдан-оёқ рангтасвир асарлари билан безатилган. Ўн уч аср ўтганига қарамай, сурат ранглари ва бўёқларининг равшанлиги кишини ҳайратга солади (деворий суратлар ҳозирги кунда “Афросиёб” музейи залларида намойиш этилмоқда). Саройнинг 11x11м. ҳажмдаги марказий зали жуда яхши сақланган. Бошқа хоналарнинг деворлари сингари залнинг деворлари ҳам пахсадан қурилган бўлиб, сомонли лой билан юпқа сувоқ қилинган, сўнг ганч билан сувалиб, сурат чизилган. Сақланиб қолган деворнинг баландлиги 2-2,5 метрга тенг. Деворларнинг юқори қисми бузилиб кетган. 1985 йилдан бошлаб таъмирланган деворий суратлар кенг жамоатчиликка намойиш этилмоқда.

Деворий суратлар сюжетининг композицион ва услубий уйғунлиги Афросиёб ҳукмдори саройининг бадиий безаш ишларини эрта ўрта асрлар

Суғдининг маҳобатли рангтасвир мактаби ижодкор-рассомлари бажарган, деб тахмин қилишга имкон беради.

Бу расмлар фақатгина қадимги халқлардан қолган буюк санъат асарлари сифатидагина эмас, балки дунё халқлари ва шу жумладан, Ўзбекистон тарихи учун қимматли археологик ёдгорлик ва тарихий манба сифатида тошга битилган ажойиб йилнома, йирик архив материаллари ҳисобланади.

Биз маҳобатли рангтасвир тарихига бироз назар ташладик. Бунинг сабаби, ўтмишдаги ота-боболаримиз яратган санъат асарлари, уларда ифодаланган тасвирлар, илгари сурилган ғоялар, қолаверса ўша давр ижодкор одамларининг ҳаёти ва ижоди фақатгина ўтмишнинг жонли гувоҳи бўлиб қолмай, ҳозирги замон кишисини миллийлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Кейинги даврларда ҳам рангтасвирда бадий жараён шиддатли ва ёрқин кечди. Кейинги йилларга оид рангтасвир санъати турли услублар кўламининг кенглиги билан намоён бўлди. Академик реализм мактаби ўз мавқеини сақлаган ҳолда кўпроқ ноанъанавий услублар, яъни мажозий-ассоциатив асарлардан тортиб инсталляция эчими тарзида бажарилган асарлар устун келиши кузатилади. Агар 70-80 йилларда Ўзбекистон рангтасвири ривожига миллий ўзига хослик сострелизм услубидаги изланишлар билан белгиланган бўлса, сўнгги йиллар услуб ва йўналишларнинг кенгайиши ҳамда ижодий эркинликнинг тараннуми билан изоҳланади. Рассомлар борлиқни ўз ижодий дунёқарашлари орқали ўзига хос тарзда ифода этишлари, бадий жараён ривожига рассом шахсининг ўрни аҳамиятли бўлганлигидан далolat беради. Ҳозирда, 70-80 йилларда тамал тоши қўйилган ва миллий рангтасвир мактабининг ўзига хос услуби сифатида намоён бўлган декоративизм билан ёнма-ён, турли авангард йўналишлар ҳамда миниатюра талқини услуби ҳам кенг ривож топмоқда. Ўзбекистон замонавий рангтасвир санъатининг асосий тамойиллари услубларнинг кенг кўламлиги ҳамда юқори ва чуқур ижрочилик маҳорати,

образлар мазмундорлигини сақлаган ҳолда, реалистик анъаналардан тортиб, авангардлик йўлидаги изланишларгача намоён бўлади.

Бадий услубиятнинг бу каби ранг-баранг тўпланмаси янги тарихий воқелик туфайли юзага келди. Бу воқелик сўнгги ўн йилликда пластик ва фалсафий ғояларни эркин ифода этиш имкониятини яратди.

Кўриб турганимиздек, мустақиллик йилларида бу санъат турининг мавқеи сезиларли даражада юксалди. Ўзбек халқининг миллий қадриятларини асраб-авайлаш, маҳобатли рангтасвир санъати соҳасидаги унутилаёзган анъаналарни тиклаш ва тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу даврда санъатнинг барча турларида самарали тамойиллар кўзга ташланади. Ўтган даврлар санъатига хос анъаналарнинг давом эттирилиши билан биргаликда янгиланган ижтимоий-сиёсий ва эстетик муҳит янги ижодий ғоялар, мавзулар ва бадий эчимларнинг юзага келишига туртки берди. Санъатнинг барча соҳаларида ижодий эркинлик етакчилик қила бошлади. Янги санъатнинг яралишида аввал ҳукмронлик қилган “состреализм” ақидалари тазйикидан халос бўлиш энг муҳим омиллардан бири бўлди. Бу жараён меъморчилик, рангтасвир, хусусан маҳобатли рангтасвир ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турфа йўсинда намоён бўлмоқда. Давлатимиз мустақиллиги билан боғлиқ долзарб мафкуравий вазифалар, ҳаёт ҳақиқати, миллий-маданий қадриятлар тизимида бўлган улкан эътибор санъат доирасидаги масалаларга янги ғоявий ёндошувларни шакллантирди.

Бирор бинога рангтасвир композициясини ишлаш учун мавзу танлашда, композиция ғоясини ишлаб чиқишга киришишида унга энг аввало мавжуд биноларда ўз аксини топган маҳобатли рангтасвир композициялари моҳият, мазмуни билан танишилади. Унда ифода этилган ғоя, фикрлар таҳлил қилинади. Бунинг учун дастлаб, бевосита, композиция ишланадиган бинони кўздан кечириш, унинг моҳияти, вазифасини назарда тутиш керак бўлади. Бинонинг шаҳарсозликда тутган ўрни, унинг вазифаси билан

танишилади ҳамда унга қандай мазмундаги композиция ишлаш мумкинлиги ҳақидаги фикрлар ўртага ташланади.

Агар пластиклик деганда одатдагидек меъморий, ҳайкалтарошлик ёки рангтасвир шакл материали хусусиятининг узвий ривож билан боғлиқ бўлган ҳажмий-фазовий ёки чизиқ-текисликли шакл талқин қилинишининг бойлиги тушунилса, рангтасвирнинг замонавий меъморчилик билан пластик алоқалари маълум даражада кўриб чиқилиши керак. Деворий суратлар меъморий ҳажм, девор билан ўзаро алоқа характери инобатга олиши керак. Рангтасвир ўзи жойлашган меъморий ландшафт кўринишига бефарқ ҳолда ишланиши мумкин эмас. Турли-туман пластик алоқалар у ёки бу конкрет материаллар ўзаро алоқасида амалга ошади, шунинг учун меъморий рангтасвир, материаллар палитрасининг ўзи меъморчилик ва рангтасвир орасидаги пластик алоқалар характери ҳақида аниқ, равшан гувоҳлик беради.

Меъморий ҳажм фазовий-пластик эчимининг турли-туманлиги меъморчиликнинг деворий сурат билан конструктив ва тектоник алоқаларининг муҳим тафовути имкониятини яратади.

Замонавий меъморчиликдаги деворий сурат меъморий ва конструктив аниқ-равшанлиги билан ажралиб туради. Куч кўтарувчи конструктивнинг ўзи- устун, равоқ, тўсин ва шу кабилар кўп ҳолларда тозалигича қолади, рангтасвирли девор эса ритмик тузилишни ва конструктив суратини, унинг энгиллиги ва оғирлигини, динамикаси ёки статикасини кўрсатиб беради.

Бошқа ҳолларда рангтасвир меъморий элементни (ҳажм, текислик) тўлиқ қоплайди ёки алоҳида доғ – тамға кўринишида жойлашади. Алоҳида тамғалар ёки уларнинг композициялари кўринишидаги деворий сурат эчимида деворий суратнинг меъморий ҳажм материали билан ранг ва фактура жиҳатидан ўзаро алоқаси анчагина яққол намоён бўлади. Одатда ҳатто меъморий ҳажм билан бевосита боғланган деворий сурат унга пластик контрастдир. Бунга материалнинг контрастлиги- ранг, тус, фактура бўйича, пластик тўйинганлиги, ундаги расм, йирик ранг доғлари, шакллар моделировкаси пластиклик характери ёрдам беради.

Бирор бинога деворий рангтасвир композистиясини ишлаш керак бўлса энг аввало бино моҳияти, унинг утилитар вазифаси аниқланади. Кейин бинонинг ҳажмий-фазовий кўриниши, планировкаси, конструктсияси, қўлланилган меъморий элементлари билан танишиб чиқилади. Композистиянинг жойлашадиган ўрни муҳим аҳамиятга эга- деворий сурат бино экстереридами ёки интерерида. Ҳар иккала ҳолда ҳам бино умумий меъморий кўринишидаги қўлланилган материаллар доимо инобатга олинади. Юқорида айтилганидек, деворий сурат характери энг аввало у жойлашаётган меъморий ҳажм материалига уйғунликда танланиши жуда муҳим.

Рангтасвир композистияларининг роспис, сграфитто, мозаика, витраж каби турларининг ҳар бири ўз хусусиятига эга бўлиб, улар жойлашиш ўрни, материал, фактура, пластик жиҳатдан турли кўринишларга эга. Масалан, роспись ишлаш мумкин бўлган жойга сграфитто ёки мозаикани ишлаш ҳар доим ҳам мумкин бўлавермайди.

Сграфитто асосан бино экстерерига ишланади ҳамда кўпинча узун деворларга ишлаш мақсадга мувофиқ. Роспис ва мозаика ўз моҳиятига кўра кичик ёки каттароқ деворларга, бино интерер ва экстерерига бирдай ишланиши мумкин. Витраж фақат дераза, эшикли жойларда ишланади. Лекин ҳар қандай композиция турини ишлашда меъморий бино ҳажмий-фазовий кўриниши, конструктсияси, материаллари фактураси, умумий ранги билан уйғанлаштиришга ҳаракат қилиш керак.

Композиция мавзуси албатта бинонинг амалий вазифасига, шаҳарсозликдаги ўрнига, кўриниш нуқталарига, визуал идрок қилинишига боғлиқ ҳолда танланиши шарт.

Яратилаётган маҳобатли рангтасвир асарлари билан бу асарларни намоён қилиб турувчи меъморий бино хусусиятларини уйғунлаштириш вазифаси доимо бирламчи вазифа қилиб қўйилиши керак.

Азал азалдан ривожланиб келаётган тасвирий санъат бугунги кунга келиб, юксак даражада яратилган ажойиб санъат асарлари ила қалбларни ларзага солиб келмоқда. Ибтидоий жамоа тузуми давридан бошлаб тоғ ва

қоятошларга одамлар томонидан йўниб ишланган қадимий суратлар ва турли хил ҳайкал намуналари шуни кўрсатадаки, эр юзида ҳаёт бошлангандан инсонлар онгида ақл ва ҳиссиёт шаклланди. Бунинг натижасида эса инсоният яшаш тушунчасини янада мураккаблаштириб, ҳаётга нисбатан талаб ва эҳтиёжлари орта бошлади. Санъат ҳам айнан эҳтиёжлар замирида тараққий топди. Даставвал, санъат диний қарашларнинг пайдо бўлиши билан ривожланган бўлса, кейинчалик инсонлар онгида эстетик дид ривожланади ва санъатга бўлган мойиллик кучаяди. Бу эса ўз навбатида санъатнинг турли хил кўринишларини юзага келтиради. Тасвирий санъат кенг қиррали. Кимдир рангли бўёқлар ёрдамида яна кимдир эса оқ ва қора чизгилар орқали, кимдир бир ҳовуч тупроқдан фойдаланиб, юксак даражадаги санъат асарини яратишга қодир. Айниқса, улар орасида рангтасвирнинг аҳамияти жуда ҳам катта. Сабаби тасвирий санъат рангтасвир турида ижодкор ҳаётнинг биз илғамаган жамики гўзалликларини матога ранглар ёрдамида ифода этишга қодир. Рангтасвир Шарқ ва Ғарб давлатларида жуда қадимдан шаклланган бўлиб, айниқса Уйғониш даврида энг гуллаган даврни бошдан ўтказди. Мисол учун, Леонордо до Винчи нафақат дастгоҳли рангтасвирда балки маҳобатли рангтасвирда ҳам ажойиб санъат асарларини яратди. Ҳозирда ўша даврнинг этук рассомлари ёзиб қолдирган асарлар бугунги кунда ёш ижодкорларга жуда катта мактаб вазифасини ўтамоқда. Шу ўринда, мазкур иш маҳобатли рангтасвир хусусида эканлигини ҳисобга олган ҳолда айтишим мумкинки, маҳобатли рангтасвирнинг жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ўз ўрни бор. Илгари диний тушунчаларни халқ онгига сингдириш учун айнан маҳобатли рангтасвир асарлари аҳамиятли саналган эди. Европа давлатарида черков ва саройларда маҳобатли рангтасвирнинг турли техникаларда яратилган кўринишларининг гувоҳимиз. Меъморий обидаларнинг деворий қисмини эгаллаган маҳобатли рангтасвир намуналари инсонларнинг маънавий камолотини шаклланишида ҳам эътиборга молик.

Замонлар оша санъатнинг турли кўринишлари айниқса, XX асрга келиб, тасвирларда абстракт кўринишга эга бўлган асарларнинг кириб

келиши бу ижод аҳлининг маънавий камолоти ўсиб бораётганлигини кўрсатади. Айниқса, юртимизда мустақиллик йилларидан сўнг санъатнинг кенг даражада сайқал топиши учун яратиб берилган имкониятлар эшиги рассомлар ижодига ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳозирги даврда тасвирий санъатнинг асл моҳияти тушунчаси хусусида бир қанча қарашлар мавжуд. Кўп ҳолларда бу тасаввур маданий анъаналар, санъатдаги ўзига хос “генетик код” ва санъатнинг замонавий ҳолати билан белгиланади. Шундай қарашлардан бирида тасвирий санъат- бу пластикага асосланган нақшинкор санъатдир дейилади. Бежиз уни ПЛАСТИК АРТ дея аташмайди. Шакл ва чизгилар гўзаллиги тасвирий санъатнинг жони ва қонидир. Рассомнинг тасвирий санъат асар яратишдан мақсади олдидаги текисликни- қоғоз, мато, деворни гўзал шакллар, чизгилар ва ранглар мажмуаси билан нақшинкор безашдир.

XX аср бўсағасида европа рангтасвирчи рассомлари Шарқнинг сирли дунёсига қизиқиб қоладилар. Улар Шарқ санъатига асосланиб, янги ифодавий услуб яратиб, нақшинкорликка бой “тасаввур” санъатини ривожлантирдилар. Ўтган асрда дунё тасвирий санъатида бўлиб ўтган инқилобий ўзгаришларни тасаввур қилмай туриб, тасвирий санъат табиатини идрок этиб бўлмайди. Янги ифодавий усулларга бой асл тасвирий санъат асарлари дунёга ўзгача назар билан қараш, табиатдаги нафосат, гўзалликни кўриш ва ҳис қилишни кучайтиради.

Замонавий ўзбек тасвирий санъатида миллий қадриятларимизга эътибор қаратиб, ўзининг образли пластик дунёсини кашф эта олган, руҳиятига шарқона шакллар, чизгилар замзамаси яқин бўлган, замонавий рангтасвирда бадий меросимизни фаол ўзлаштириб, янги ифодавий услублар яратаётган рассомларимиз кўп.

Монументалист рассомнинг асарини солномачининг китобига қиёс қилса арзийди. Солномачи ўзи яшаб ўтган даврда содир бўлган воқеа ва ходисалар ёзиб қолдиради, ундан келажак авлодни воқиф қилади. Деворий суратлар ишловчи рассом эса муҳим воқеаларни қаср ҳамда қошоналарнинг

деворига рангли бўёқлар воситаси-ла нақш этади. Бу бўёқлар бизни ўша давр тасвирий санъатининг ўзига хос жиҳатлари, анъаналари билан таништиради.

Ўтмишнинг жонли гувоҳларидан бири бўлган Афросиёбда ва бошқа жойлардаги қазилмаларда топилган деворий суратлар кимнинг эътиборини тортмаяпти, ҳайратга солмаяпти, фахрлантirmаяпти. Бой тарихни қайта тилга киритаётган археологлар бундай мўъжизаларни кўплаб кашф этмоқдалар, халқнинг моддий маданий ёдгорликларини тикламоқдалар. Соҳиби қилқаламлар ўтмишда киши кўрганида тахсин ўқийдиган деворий расмларни, безакларни кўплаб ишлаганлар ва ишлаб келмоқдалар.

Монументал безатувчи санъат асарлари тасвирий санъатнинг энг халқчил ва оммабоп турларидан биридир. Чунки, бу турдаги ҳайкал, безак ва расмлар доимо одамларнинг назарида бўлади. Шу туфайли бундай асарлар катта тарбиявий аҳамиятга моликдир. Бинобарин кишилик жамияти санъатининг бу туридан қадим замонларданок кенг фойдаланилган. Башарият тарихи, хусусан, тасвирий ва меъморчилик санъати солномасига назар ташласак, монументал безатувчи санъатнинг юксак поғоналарга кўтарилган даврини кўп учратамиз.

Ҳар қандай мавзудаги композиция асарини яратиш учун ишлаётган рассом ўзи ишламоқчи бўлган мавзу юзасидан барча маълумотларни чуқур билиши керак. Айниқса бирор тарихий мавзуга қўл уришдан олдин ўша тарихий давр билан, ўша давр тарихий воқеалари, ўша даврда яшаган инсонлар ҳаёти, турмуш тарзи, уларнинг кечинмаларидан рассом яхши хабардор бўлиши керак. Шундагина яратилган композиция асари ҳаққоний, таъсирчан кўринишда бўлади.

Ҳар қандай мавзудаги композицияни яратишда у ўрин оладиган бино моҳиятидан келиб чиқиб ишлаш, моҳиятан бино ва ундаги композиция кўринишини бир-бирига узвий боғлай олишга ўрганиш керак. Бўлғуси ижодкор монументалист-рассом мутахассисларнинг ҳозирги замон тасвирий санъати янги поғоналарини эгаллаш, яратилган ва яратилаётган асарларни бадиий таъсирчанлигини англаш, маҳобатли рангтасвир бадиий ғоясини

ошириш, ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш бўйича назарий, амалий билимларини шакллантиришдан иборатдир.

Бу жараён бўлғуси ижодкор рассом дунёқарашини шакллантиради, мустақил ижодда атроф олам, кундалик ҳаёт воқеа ва ҳодисаларини кузата оладиган, ўз хоҳиш-иродасига мос мавзу танлаш мақсадини қўяди.

Ижодкор “Маҳобатли рангтасвир” композицияси устида ишлаш давомида композиция воситаларидан фойдаланиб, унинг асосий ғоясини ва асар мазмунини бинода очиб беради.

Ўзбекистон рассомлари ичида Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Алишер Мирзаев, Алишер Алиқулов каби қатор рангтасвирчи рассомларнинг тарихий мавзудаги асарлари диққатга сазовордир.

А.Алиқулов гуруҳининг Ўзбекистон халқлари тарихи музейи учун ишлаган ишларидан бири “Халқ кўзғолонлари ва жади́дчилик ҳаракати” (2000й) деворий суратида янгича “ёпиқ” бўлган Ўзбекистондаги 1920-30 йиллардаги миллий озодлик ҳаракатлари мавзусига мурожаат қилинганлик билан ажралиб туради У фуқаролик ва ватанпарварлик туйғуси жаранги билан суғорилган. Деворий сурат тили кенг қамровли ва сермаъно бўлиб, карама-қарши рангларни уйғунлаштириш орқали ўша даврлар тарихий муҳити берилади. Бу иш мавзу ва услубий жиҳатдан рангтасвир асарига яқинлиги билан аввалги деворий суратлардан ажралиб туради.

Таниқли ўзбек рассомлари- М.Азлархўжаев, Б.Одимжонов, Ш.Бахриддиновлар яратган “Мирзо Улуғбек ва Али Қушчи расадхонада” асари кўп жиҳатлари билан эътиборни тортади. Катта ўлчамли ушбу санъат асарида сюжет ва шакл, шунингдек композицион ечим уйғунлиги яққол сезилади. Улуғбек мактабининг олимлари- астроном, математик ва файласуфлар муҳити яхши кўрсатилган. Леонардо да Винчининг (1452-1519) ранглар тўғрисидаги “Ранглар қонуниятлари” рисоласидан ўрин олган ёруғлик-ҳаво, шунингдек ранг-ҳаво перспективаси ҳам мазкур асарда яхши берилган. Ушбу асарни Ўзбекистон тасвирий санъатидаги тарихий жанрнинг янги, муҳим босқичи деб ҳисоблаш мумкин. У тасвирий санъатнинг тарихий

жанрида яратилган мумтоз намуналарнинг барча талабларига ҳар томонлама жавоб беради. Суратдан муаллифлар ўтмишда бўлиб ўтган ҳодисаларга четдан туриб холис баҳо бераётгандек, гўё Мирзо Улуғбек ва унинг сафдошларига хос асосий фазилатларни ўйчанлик билан кузатиб аниқлаётгандек туюлади. Улар ҳаёт қатламларидан шундай муҳим воқеани танлаб олганларки, унда аниқ ҳодиса ва олимлар шахсияти мажоз-тимсол даражасига кўтарилган. “Мирзо Улуғбек ва Али Қушчи расадхонада” асарини тарихий ҳаққонийлиги ва фалсафий мазмунига кўра жаҳон тасвирий санъати тарихидан муносиб ўрин олган италян рассоми Рафаел Сантининг (1483-1520) “Афина мактаби” (1508) асари билан қиёслаш мумкин. Зеро, “Афина мактаби” асарида ҳам ҳар бир сиймо бирор фаннинг мажозий тимсоли сифатида тасвирланади: қадимги юнон олимлари Сукрот ва афлотун фалсафани, эвклид-математика ва геометрияни.

II БОБ. ЎЗБЕК ЦИРК РИВОЖИ

2.1. Замонавий ўзбек цирк санъати ривож

Ўзбекистонда замонавий цирк бундан 100 йиллар муқаддам XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасига гастроль сафарларига Россия ва Европа давлатларидан аттракционлар келган даврларда пайдо бўлган. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган, Урганч каби бир қатор шаҳарларда яримстационар шапито цирклари барпо этилган. Илк кўчмас цирк Тошкент шаҳрида 1914 йилда қурилган, аммо 1966 йилда рўй берган zilзила оқибатида вайрон бўлган. Ўзбекдавлатциркининг янги биноси 1976 йилда қуриб битирилган ва 1999 йилда мазкур бино тубдан реконструкция қилинган. 1942 йили уруш даври бўлишига қарамай, бу ерда цирк тарихидаги биринчи миллий цирк гуруҳи – яъни Ўзбек цирк жамоаси ташкил этилди. Унинг таркибига машҳур дорбоз Тошкенбоевлар, от ўргатувчи Муҳаммад Хўжаев, чавандоз Зариповлар, ҳаво гимнастлари Мадалиевлар, қизиқчи Ақром Юсуповлар кириб, замонавий ўзбек циркининг энг ёрқин намуналарини яратишди. 1991 йили Тошкент Давлат циркига Ўзбекистон ва Россия халқ артисти, дорбозлар сулоласи асосчиси Тошкенбой Эгамбердиев номи берилди. 1999 йилда цирк биноси таъмирланиб, замонавий талабларга жавоб берадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бино оригинал архитектурага, қулай томоша залига эга бўлиб, атрофи вестибюль, фойе, гардероб, буфет ва хизмат хоналари билан халқадек ўраб олинган. Бинонинг ром-ҳалқали конструкцияси фойени устунлардан холи қилишга ва томошабинларнинг хордиқ чиқаришлари учун бир бутун майдон ташкил бўлишига имкон яратди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлигининг 1991 йил 25 декабрдаги қарори билан 1992 йилнинг 2 январидан “Ўзбекдавлатцирк” Республика Бирлашмаси ташкил этилди. Мустақиллик даврида Тошкент цирки ҳақиқий ижодий устахонага, изланиш ва тажрибалар масканига айлантирилди. Цирк аренасида жаҳоннинг турли мамлакатларидан

келган артистлар ўз маҳоратларини намоиш этишмоқда. 1992 йилда “Ўзбекдавлатцирк” республика бирлашмасининг ташкил этилиши цирк санъатининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тошкент цирки замонавий талаблар асосида қайта таъмирланди. Анъанавий цирк санъатининг унутилган турлари тикланди ва ривожланди. Истеъдодли ёшларга амалий ёрдам бериш мақсадида 1996 йилда эстрада-цирк коллежи очилди. Ўзбекистон циркчиларининг чет элларга гастроль сафарлари уюштирилди. Миср, Иордания, Фаластин, Покистон, Малайзия, Ҳиндистон, Хитой, Сурия, Ливан, Эрон, БААда гастроль сафарларида бўлган республикаemiz цирк усталари ўзбек миллий цирк санъатини намоиш этдилар. Олимжон Тошкенбоев раҳбарлигидаги “Ўзбекистон дорбозлари” гуруҳи 1996 йилдан бошлаб Европа мамлакатларида гастроль сафарларида бўлиб 2000дан зиёд томоша кўрсатдилар. 15 ёшли Карима Зарипова 1997 йил январда Париждаги Бутлион циркида бўлган ёш цирк артистларининг халқаро фестивалида қатнашиб “Пластик этюд” жанрида олтин медални қўлга киритди. Ўзбек циркчилари 1999 йилда Дубайда, Саратовда, 2000 йилда Хитойда, 2001 йилда Бельгияда бўлиб ўтган халқаро фестивалларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаганлар. Циркчиларимизнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбек циркига хос турли номер ва аттракционлар халқаро цирк дастурларидан ўрин эгаллади.¹⁰



¹⁰ <http://myday.uz/uz/uzbekgoscirk/cirk-ozbekdavlatcirk>

2.2. Витраж санъатининг аҳамияти ва унинг ўрни.

Витраж француз тилидан *vitre* – ойна, лотин тилидан эса *vitrum* – шиша маъносини англатади. Витраж тасвирий санъатнинг безакли (декоратив) асари ҳисобланади.¹¹ У орнаментал ҳарактерга эга бўлиб, турли ранглар жилосидаги шишадан ташкил топган. Витраж бинолар учун шабакали ёритқич бўлиб хизмат қилади. Уни асосан бўшлиқни тўлдириш учун, яъни меъморчиликнинг эшик, дераза, дарча, туйнук ва шу каби бўшлиқларга мўлжаллангандир. Асосан биноларнинг деразаларига безак сифатида фойдаланилган.

Кумпуркагичли витраж – витраж тури ўзига хос гуруҳли шиша (филенок)га асосланган бўлиб, биргина техник жараён кум билан ишлов берилган ҳолда умумий композициялари, маъноли – ғоялар, ўрнатиладиган бўлимга тайёр деразалар жамланади.¹²

Мозаикали витраж – йиғма усулдаги витраж бўлиб, геометрик тузилмалардан ташкил топган. Унинг кўриниши худди смальталарнинг бир ҳажмда таҳланган тасаввурни беради. Уни мустақил равишда қўллаш имкониятига эга эмас бўлиб, у яхлит шилам қопламасига ўхшаш дераза маконига мозаикалик термалар фон сифатида ишлатилган. Модулга ўхшаш бўлган мозаика тасвири яратишда мураккаб формали фигураларга, нақшинкор шаклларга, рельеф, кабошонлар, сайқаллашда ва тез-тез қўйиб туриш жараёнида амалий иш олиб борилади.¹³

Йиғма витраж – витражнинг оддий тури. Витраж тасвирсиз бўлиб, столнинг ўзига бўлақлардан йиғилади. Уни олдиндан кесиш ёки тайёр бўлақлардан фойдаланилади.

Пиширилган витраж ёки фьюзинг – ушбу витражда нақшларни ранг-баранг бўлақларни бирлаштириб пишириш жараёни билан тайёрланади.

¹¹ О.А.Лясковская Француз готикаси XII-XIV асрлар:архитектура, ҳайкалторошлик, витраж 1973й-1046.

¹² Е.Ю.Иванова, К.К.Севастьянов «Санкт-Петербургдаги йукотилган витражлар руйхати» 1998 й-246.

¹³ Е.Ю.Иванова, К.К.Севастьянов «Санкт-Петербургдаги йукотилган витражлар руйхати» 1998 й-126.

Тасвирли витраж – ушбу витражда тасвирлар тушурилганлиги билан аҳамиятлидир. У бутун шишага туширилган ёки йиғма бўлакни шишага туширилган бўлиши мумкин. Улардан олдиндан тайёрланган факцетлар рангдор тоғ жинслари, пресланган шиша пуркаш орқали яратилади.

Кимёвий усулдаги витраж – бу витраж тури (турсимон тўқима (филенок)) гуруҳига мансуб бўлиб, биргина техник жараёндан ташкил топган. Умумий композицияларга, ғояларга ва дераза қисмларига кимёвий ишлов бериш орқали тайёрланади.

Кўрғошин – печ витражи – мумтоз техникалардандир. У ўрта асрларда вужудга келган ва бошқа турдаги витражлар учун асосий мактаб ўтаган. Бу витраж кўрғошинли гардишдаги шиша бўлакларидан ташкил топган. Шишалар рангдор, бўёқлар билан ишлов берилган, тез эрийдиган шиша ва оксидланган металл булиши мумкин. Негаки, уларни яна кайтадан махсус печларда тоблаб пишириш учун мўлжалланган. Ранглар шиша асосга маҳкам қилиб бирлаштириб бир бутунликни ҳосил қилади.¹⁴

Аралашма бирлашмали витраж – ушбу витражга бир неча мисолларни келтириш мумкин. Масалан, тасвирли медальон ва мозаикали йиғма техника, фон асосидаги фацетли шишалар киради.

Кобошон – рельефли шаклдаги витраж тури бўлиб, асоси шаффофлиги билан ажралиб туради. Уни преслаб ёки қуйма усулда тайёрланиб, худди сув томчиси ёки номигагина ярим ясси сферали ва мураккаб шаклли кўринишда кузатилади.

Нацвет – рангли шишанинг юпқа қаватли бўлади. Уни тайёрлашда «иссиқ» даражали ишлов бериб, муайян шаклга киритилади. Қатлами олишда графировканинг қум асосли ишлов бериш ёки кимёвий усулда методларидан фойдаланиб, жуда ҳам қарама-қарши бўлган расм тасвирларни яратади. Масалан, оқ тусдаги рангли фонда ёки оқ фонда рангли бўёқлар аралашмаларини қириш мумкин.

¹⁴Т.В.Княжицкая «Витражлар», «Музей олами» №3 2009 й

Кимёвий ишлов бериш техникаси – бу усулни тайёрлаш албатта кимёвий кислоталар билан ишлаш жараёни билан тайёрланади. Ундан ташқари кўп қатламли кимёвий ишлов бериш, рюмочная плитка, эрклез, бендинг, шебеке (панджара), витражларни таснифлаш, фацет витраж турлари ҳам кенг тарқалган.¹⁵

Витраж санъатининг азалдан асосан ибодатхоналарда кенг фойдаланишган. Илк кристиянлик даврида деразаларни юпка шаффоф пластинали тошлар (алебастер, селенита) билан тўлдиришган. Бу эса, ўзига хос нақшинкорлик бахш этган. Роман давридаги ибодатхоналарда (Франция, Германия) витраж сюжетлари пайдо бўлди. Жировдор, рангдор, катта ҳажмли витражлар хилма-хил шиша келтирилди. Витраж шишасида махсус ишлов бериш ва кўрғошин аралашмасида бириктирилганлиги билан кейинчалик готика давридаги соборлар ҳаётида яна ҳам аҳамияти берилди.

Готика давридаги витражларга катта мазмун-моҳиятига эга бўлиб, бу санъатга эътибор олд ўринга кутарилди. Соборларда витраж тасвирларида аксарият диний ва маиший мавзули асарлари яратилди. Улар ушбу асарларни баландлашган дераза ойналарига ва соборнинг олд томонидаги порталдаги уч кириш қисмининг тепа марказида «атиргул» номли жойга витражни қўллашган. Уйғониш даврига келиб, витраж шишага ишланган тасвирий санъат асари даражасига чикди. Бу даврда кириб ишлаш, ранг-баранг рангдор шишага махсус буёк бериш техникаси ривожланди.

Россияда витражлар XII асрда кириб келган. Лекин Россия шаҳарсозлигида эмас, балки маиший турмушдаги уйлар ва хос уйларга қўлланилган.¹⁶

Витраж санъатининг уйғониш даври.

1820 йилдан бошлаб Россияда рицерлик романларига ва урта асрнинг готика меъморчилигига таклидан Россия меъморчилик анъаналарида витраж санъати урф сифатида кириб келди. Шу даврда витраж санъатни «транспарат

¹⁵ В.Рагин, М.Хиггинс «Витраж санъатидан» 2006 й.-266

¹⁶ Т.В.Княжицкая «Витражлар», «Музей олами» №3 2009 й

картинаси», яъни француз тилидан «шаффоф лавҳа» маъносини англлатган. Айнан шу вақтлари Россияда дераза учун яратиладиган махсус ранг-баранг тусли ойначи усталари бўлмаган. Лекин Ғарбий Европа мамлакатларида витраж санъати анчагина урфдан қолган ва бир мунча оқсаган ҳатто унут бўлиб бораётган паллада эди. Айниқса, ойнасозлик санъатининг нозик техникалари ва ҳунармандчилик мактаблари йўқола бошлаган ҳолатда эди. Сарой усталари эса, ўзларининг ташаббус фаолиятлари билан Европанинг турли жойларида ойнасозликни тиклаш учун янги тажрибалар устида ишладилар. Улар ойнанинг ўзига хос тусли ва мураккаб техникаларини қайта тиклаш, техник жараёнларни янада такомиллаштириш, ойналардаги янги таркибли рангга эга бўлиш сирларини излаш, деворий расм (ропись) учун бирикмалар аралашмасини тайёрлаш, турли хилдаги техникаларни ҳамоҳанг тарзда қўллаш кабиларни устида излана бошладилар. Айнан ушбу давр «қайта тиклаш даври» ҳисобланиб, Европа витраж усулини ташқи растага олиб чиқишга қодир эмас эди. Шунинг учун Россиянинг биноларини беағига чет мамлакатлардан XIX аср усталаларидан тортиб то қадимги усталарга тегишли бўлган ўрта асрда яратилган витраж асарларини олиб кира бошлашди. Масалан, Арсеналдаги подшолар ҳовлисида олиб келинган. Ушбу витрина Николай I нинг императорлик кўрикхонасига топширилган бўлиб, витраж XV-XVII асрларда жойлаштирилган. Улардан ташқари немислар ва шведларники ҳам олиб келинган.¹⁷

2.3. “Цирк” композициясининг таҳлили.

Битирув малакавий ишимнинг мавзуси “Цирк” бўлиб, унинг тасвирий ечимини витраж санъатининг классика усулида намоён бўлади. Витраж санъати ва унинг турлари ҳақида бир неча манбалардан фойдаланилдим. Унинг тарихи ва услубларини ўргадим. Ундан ташқари яратилган асарнинг то ҳозирги ҳолатига қадар турли жараёнлар ва изланишлар ўтказилиб, айнан ушбу таҳлиллар ҳақида айтиб ўтиш жоиз деб топилди.

¹⁷ А.Нуман, А.Глазков «Витраж ва архитектура» 2006й. -576

Мазкур Битирув малакавий “Цирк” мавзусидаги асарим ўз номи билан унинг ҳаётий тасвирий ечими кўз олдимизга келади. Албатта цирк тушунчасини кенг маънода катта ажайиботлар жамланмасидаги макон демакдир. У ерда бир-бирини такрорланмас томошалар, махсус тайёргарликларга ва нозик маҳоратларга эга жонзотлар томонидан намоёиш этилган турли жанглёр томошалар ва цирк санъатининг ўзига ҳос жараёнлари билан маълумдир. Қадимдан цирк санъати оддий майдонларда инсонларни ҳайратга солган бўлсалар, ҳозирда улар учун катта қулайликлар яратилди. Цирк соҳа усталарига махсуслаштирилган меъморий бино барпо этилиб, у нафақат ижодкорларга балки у кенг омма учун анчагина қулайликларга эга бўлган мўжиза майдонига айланди.

Асарни яралишида кўпгина эскизлар ва чизмалар тасвирланиб, цирк мавзусига тегишли сюжетлар кетма-кетлиги таҳланди. Ундан ташқари фрагментлар, деталлар йиғилди. Цирк мавзусида Битирув малакавий асари яратишда цирк томошалар, жанглёрлик ҳаракатлари, ҳангомали чиқишлар, турли жонзотларнинг мураккаб томоша ҳолатлар кенг тарзда кузатилди. Уларнинг ҳар бирини алоҳида тадбиқ этиб, турли ракурс ва такрорланмас позицияларда ҳомаки тасвирлар туширилди. Айнан жонзотларнинг ҳатти-ҳаракати инсонга ўзгача завқ бағишлаб, керакли эскиз қораламаларда, бир неча кўринишларда акс этилдики, уларнинг барчаси Битирув малакавий асари учун алоҳида мавзу сифатида олд ўринга чиқиб, изланишларга мос бўлган тасвир бўлиб хизмат қила олди.

Ранг-баранг ва шу билан бирга бири-бирини такрорланмас турли сюжетли эскиз вариантлари Битирув малакавий асарининг ишлаш жараёнида раҳбарлик қилаётган устозларга ҳавола этилди. Улар хусусида кўплаб мунозарали баҳслар олиб борилди. Таҳламалардан керакли деталлар, фрагмент ва шу билан бирга турли сюжетли бўлаклар танланди. Ундан ташқари асар яратишдаги асосий омил бўлган ранглар жилосининг ўзига мос гаммалари ва колоритлари турли хулосалар келтирилди ва асар яратишдаги лозим бўлган декорацион ҳарактерга эга бўлган ранглар тони танланди.

Ҳомаки тасвирларга назар солсак, у ерда турли шароитлар ва маконларни ўзида акс этган қораламаларни кузатишимиз мумкин. Расмларда ҳавола этилган ҳомаки асарда жанглёрнинг оддий инсонга нисбатан номутаносиб ҳатти-ҳаракатли позаларда берилган бўлиб, унда ҳолат кучли динамикалик билан ҳарактерланади.

Битирув малакавий асарини яратишдаги илмий изланишлар натижасида бир неча асарлар вужудга келдики, уларнинг ҳар бири алоҳида асар сифатида эътироф этиш мумкин. Ҳомаки қоралама асарини айтсак, унда шиддатли ҳаракатлар майдони яққол кўзга ташланади. Тасвирланган ҳар бир образ ва деталлар бир-бирига узвий боғланганки, унда ҳар бир бўлинма ва ҳолатлар бир-бирини тўлдириб, айнан ушбу қоралама орқали “Цирк” номли тушунчани, нозик ҳис қилиш ҳислатлатга эгаллигини кузатишимиз мумкин.

Биламизки, ҳар бир қоралама асарлар кичик бўлишига қарамай ижодий жараёнда катта асар сифатида намоён бўлиши ва янги ғояларга туртки бўлиши мумкин. Шунинг учун етук ва мукаммал рассом бўлиб етишишда қоралама эскизларнинг ўрни бекиёс. Мазкур изланишлар жараёнида яратилган қоралама асарлар катта асар учун асосий кўмакчи вазифасида олд ўринга чиқди. Тасвирланган ҳолатлар сериясида динамиканинг кучли шакли намоён бўлиб, бошқа қораламаларга нисбатан ўта тантанавор ва серҳаракатли мураккаб шакллардан жамлангандир. Марказда оғир тош кутарувчининг ҳаракатлар билан машқ бажараёганлигини кўриш мумкин. Унинг атрофида цирк артистлари, акробатилар ва махсус тайёргарликларни ўтаган цирк жонзотлари ёзилган. Айнан эскизнинг чап томонидаги жанглёр ва деталлар ўзига хос тарзда ҳаётий ва шу билан бирга цирк тушунчасини тўлақонли етказиб берувчи шакл сифатида намоён бўлганлиги сабабли, эскизнинг марказ қисмидаги фигураладан кенг фойдаланишга қарор қилинди.

Мазкур ишимнинг тўлиқ тугалланишига қадар кўпгина амалий меҳнат, изланишлар ва шу билан бирга турли таъсуротли ғоялар устида иш олиб борилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, мукаммал асар яратишда катта

тажриба ва асосан турли вариантли чизмалар, қораламалар ва эскизлар керак бўлади. Ундан ташқари тажриба тариқасида ранг-баранг тусда бир-бирини такрорланмас шакл шамоилларда асарлар яратилди. Унда асосан маҳсус қоғозга акварель ёки акрил орқали тасвир туширилди. Айнан иш жараёнинг энг кизғин палласи ёққол қўзга ташланади. Унда бир-бирини такрорламас композициялар ва колоритлар йиғиндиси аниқ намоён бўлади.

Жараёни ўта кизғин ва баҳс мунозаларга бой тарзда машаққатли ҳам кизиқарли ўтдики, ундаки, унда яратилган ҳар бир эскиз малакавий мавзусига мос бўлиб, бир тўхтамга келиш жараёнлари ва айнан бир мураккаб ва мазмундор тасвирни танлаш ҳолатида анчагина тўсиқлик юзага келишига олиб келди.

Цирк ареналарида намоёиш этилган дастурлар билан яқиндан танишиб, цирк актёрларлик машқларини куплаб кузатиб керакли хулосалар олинди.

Витраж учун тайёрланган якуний тасвиримзда рангли шишаларни тутиб турувчи маҳсус темир каркасли бўлинма мавжуд бўлиб, у бўлакли квадратлардан ташкил топган. Ҳар бир ажратилган бўлинмада керакли тасвир туширилган ранглар жойлаштирилади.

Биламизки, витраж – ёрқин рангларда контраст бўёқли шишадан ишланади. Декорацион ҳақактерга эга. Шунинг учун мазкур асарнинг умум ҳолати айнан безакли жиҳати билан ажралиб туради.

Малакавий асаримда тасвирланган киёфалар ва деталларни уч қисмга асослаган ҳолда таърифлаш ва тасвирлаш мумкин. Негаки, катта ҳажмга эга бўлган ушбу тасвирда уч ўлчамли тасвирга эга. Унда марказда полвоннинг машқлари, икки ён қисмида эса, жонзотлар ва актёрлар томошалари ўрин олган.

Асарда турли предметлар, тилсимий рамзлар. Фигуралар, ғаройиб машғулотлар, образлар ва уларнинг серҳаракатли томошалар жараёни бир-бирига ҳамоҳанг тарзда берилиб, керакли ҳажм ва масштабларда умум яхлитликка олиб келинган. Айниқса, ўзаро нисбийлик томонлари бўйича мукамал ишлашга ҳаракат қилинди. Мисол тариқасида айтганда,

тасвирдаги кабуларлар томошаси пастки қисмдаги бўрсик ҳамда шернинг томошасига узвий боғланганлигини кузатамиз. Ёки айнан кабуларлар томошасининг тепа бўлагидаги тасвирий ечим ҳам ўзига ҳос тарзда жойланган. Ҳеч бир бўлинма бир-бирига монелик қилмай аксинча мазмунли композиция сифатида намоён бўлади. Ҳар бир деталл ва фрагментлар ораси ва уларнинг ўзаро масофалари бир-бирига кўмакчи вазифасида бир-бирини тўлдириб туради.

Асаримнинг тасвирида акс этган кичик ва катта сюжетлардан ташкил топган қисмларга алоҳида аҳамият берилиб, ички динамика ҳаракатлари, томоша ҳолатининг мураккабликлари устида жиддий изланишлар борилди. Айниқса, цирк артистлари томонидан моҳирлик ва эпчиллик билан тез бажарилаётган машқлари ҳаққоний ва ишончли чиқишига эришиш лозимлиги асосан масалалардан бири эди. Шунинг учун ҳар бир қиёфага ва жонзотларга уларнинг ички психологиясига киришга ҳаракат қилинди ва айнан шу асосда тасвирий ечимини беришга киришилди. Уларнинг мимикалар ва томоша ҳолатдаги ижроларини аниқ ифодаланди.

Яратилган малакавий асаримнинг тасвири ўзига ҳос ранг-барангликда ва сюжетлари аниқ топилган ҳолатда ифодалангандир. Айниқса, асарнинг марказдан ўнг томон қисми сервоқеалиги ва образларнинг кетма-кетлигининг узвий чамбарчаслиги асарни янада бойитади. Малакавий асаримнинг ўнг бўлаги “Цирк” номли мавзусига ҳос бўлибгина қолмай, балки, бадий бойлиги билан қадрлидир.

Яратилган малакавий асарида композиция муаммолари аниқ ҳал қилинган. Композиция ҳажм-фазовий олинган бўлиб, барча деталлар кетма-кет ўрин олинган ҳолда бир мақомга бирлаштирилган. Умумий гамма ёрқин бўёқлардан олинган. Ранглар асосан декоративлилик ҳарактерига эга. Айниқса, асарда кучли символик тимсоллар билан бойитилган. Ички ритм ҳолатлари мутаносибликларида сақланган бўлиб, ҳар бир деталл бир-бирига енгил ўтиб, ҳеч қандай ажралишларга яъни бошқа мавзу маъноларини англаувчи деталл сингари қатнашмаган. Ҳар бир бурчак диққат билан

ишланиб, ғояни очиб беришда катта кўмакчи сифатида иштирок этган. Асарда қиёфалар ва жонзотлар томошаси аниқ пропорцияларда олинган. Асарда динамика кучли сезилган бўлиб, бир қараганда ҳар бир қиёфа ўзининг цикр томошаларини бажараётгандек жонли кўринишга эга. Асарнинг гаммасини танлашда бизнинг юртимиз иқлими ва қуёшнинг тушиши ҳисобга олинди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкин-ки, мазкур бакалаврлик даражасини олиш учун ёзилган Битирув малакавий асарининг мавзуси айнан миллий кадриятларимиз билан боғланган бўлиб, унда замонавийлик руҳиятида динамик ҳаракатларни ўзида мужассам этган турли фигуралар орқали инсонни маънавий дунёқарашига ижобий таъсир ўтказувчи тасвирни яратиш фаолияти билан Тошкент шаҳридаги Давлат Цикри биносининг витраж санъати билан янада бойитиш ва нечоғлик чирой очиб бораётган шаҳарсозлик маданиятига ўз ҳиссамизни қўшиш сингари ташвиқотлар олиб боришга ҳаракат қилинди.

Мазкур малакавий ишининг “Цикр” мавзусидаги асарнинг яралиши тарихида бир-неча босқичларни кечиб ўтди. Жумладан, Тошкент цикр биносининг бадиий безаш ва шаҳарсозликка ўзгача тасвирий ечиб урғусини берадиган, айниқса, инсоннинг маданиятига таъсир этишдек хоҳиш уйғониб, пойтахт шаҳримизнинг гўзаллашишга яна бир бор ҳиссамизни қўшиш каби ҳислар пайдо бўлди.

Битирув малакавий ишининг мавзусида ишлаш жараёнида объектлари ва манбаларга кенг таянилди. Айнан маҳобатли рангтасвир шакллари Европа мамлакатларидаги ривожланиши кузатилди ва яратилган нодир асарлар ўрганилди. Ундан ташқари Ўзбекистон ҳудудида ривожланган маҳобатли рангтасвир намуналари татбиқ этилди. Айнан, Зараутсой ғоридан топилган тасвирлар, Сармишсой қояларида, Болаликтепа ёдгорлигидаги, Афросиёб деворий расмлари тарихи ва композицион даражалари мукаммал ўрганилди. Ундан ташқари тасвирий санъат борасида Ч.Ахмаров, Б.Жалолов, У.П.Мельников, Д.Ривейра кабиларнинг санъат асарлари ўрганилди ва турли ташкилотлар олиб борилди. Қолаверса, Б.Жалолов, А.Аликулов, Р.Худайбергеновлардан тасвирий санъат ва витраж техникаларида асар яратиш сирларини ўзлаштирилди.

Малакавий асарининг асосий витраж санъати билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унда цирк биноси шабакали ёритқич бўлиб ҳизмат қилади. Уни асосан

бўшлиқни тўлдириш ва айна дераза бўшлиқларга мўлжаллангандир. Ушбу “Цирк” мавзусидаги асар бионинг деразаларига безак сифатида фойдаланилган. Ҳозирда замонавий витраж санъати цирк мажмуасига лойиқдир. Шунинг учун “Цирк” асари ўзининг кенг маънологи ва давр руҳиятидаги кадри билан алоҳида таҳсинга лойиқдир.

“Цирк” мавзуда яратилган малакавий асари цирк биносининг гранд қисмидаги дераза-ойна маконига витраж усулида тасвирланди. Унда ўзига ҳос мураккаб чизгиларда цирк томошаси жараёнидаги манзарасини акс эттириб, цирк биносининг майдонига ўзгача кўрк берадиган асар яратилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш жоиски, ушбу 4 йиллик олий билим юртининг бакалавриат йўналишида таълим олиб, керакли ва етук мутахассис макomini олишга эришиш йўлида изланилди. Тадқиқотлар ва малакани янада оширишга астойдил ҳаракат қилинди. Айнан олинган билим ва кўникмаларни ушбу Битирув малакавий асарида тўлиқ намоён этилди.

Ушбу яратилган битирув малакавий ишининг “Цирк” асари мавзуси туганмас мавзулардан бўлиб, ҳам амалий ҳам илмий даражада ўрганиш мумкин. Ушбу яратилаётган асар эса ҳозирги ва кейинги давр учун керак бўлган манба бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият. 2008 йил.
2. Абдуллаев Н.А. Ўзбекистон санъати тарихи. –Тошкент: 2007 йил.
3. О.А.Лясковская Францус готикаси XII-XIV асрлар: архитектура, хайкалторошлик, витраж 1973й
4. Е.Ю.Иванова, К.К.Севастьянов «Санкт-Петербургдаги йукотилган витражлар руйхати» 1998 й
5. Е.Ю.Иванова, К.К.Севастьянов «Санкт-Петербургдаги йукотилган витражлар руйхати» 1998 й
6. Т.В.Княжицкая «Витражлар», «Музей олами» №3 2009 й
7. В.Рагин, М.Хиггинс «Витраж санъатидан» 2006 й.
8. Т.В.Княжицкая «Витражлар», «Музей олами» №3 2009 й
9. А.Нуман, А.Глазков «Витраж ва архитектура» 2006й
10. <http://eduportal.uz/jahon.tarixi>.
11. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Portret>
12. <http://eduportal.uz/jahon.rassomlari>. Janrlar
13. <http://myday.uz/uz/uzbekgoscirk/cirk-ozbekdavlatcirk>

ГЛОССАРИЙ

Инглиз	Рус	Ўзбек	Маъноси
Abstractionism	Абстракционизм	Абстракционизм	XX асрда мавжуд бўлган санъат йўналиши, ҳайкалтарошлик ва графикада ҳақиқий жисмлар тасвиридан вос кечган санъат тури.
Self Portrait	Автопортрет	Автопортрет	(грек – ўзим) муаллиф сўз тасвирини ишлайдиган санъат асари. Бу жараёнда асар муаллиф ва ишланадиган модел бир объектда гавдаланади.
Academicism	Академизм	Академизм	Классик санъат турнинг қоидаларига амал қилиш. Қисмлари: қадимий афсона, Инжил, қадимги тарих. Турлари : неокласситсизм
Alla prima	Алла прима	Алла прима	(лот-биринчи уринишдан) тасвирий санъатдаги рассомлик усули, моҳияти шундаки, ишланадиган тасвир ҳеч бир ёрдамчи чизмаларсиз ишланади.
Animalism	Анимализм	Анимализм	(лот-жонивор, ҳайвонот) тасвирий санъатда ҳайвонлар, жониворларни ишлаш.
Biennale	Биеннале	Биеннале	икки йилда бир маротаба ўтказиладиган маданий - оммавий санъат фестивали.
Cardboard	Картон	Картон	(фран.сартон, итал.сартоне, сарга – қоғоз). 1. Қалин, қаттиқ ва жуда пишиқ қоғоз, оддий қоғоздан қалин. Қоғозга туширилган расм, эскиз, кейин у ўзакка туширилади (мато, девор, ёғоч ёки метал текислик).
Paint	Бўёқ	краска	ранг бўйаш воситалари таркибининг умумий номи, маиший соҳада фойдаланишга мўлжалланган, предметларга суртилганда ёки бўктирилганда у ёки бу рангни беради. Кимёвий таркибига кўра пигментлар ва улардан тайёрланган бўёқлар минерал (ноорганик тузлар ёки метал оксидлари) ва органик (ўсимлик ва ҳайвонларнинг бирлашиши).
Short avant-garde	Қисқа авангардизм	Ниски авангардизм	XX аср бадий йўналиши, унинг ўзига ҳос хусусиятлари анъаналар, тимсолларнинг янги восита ва шакллари излашдир. Турлари: фовизм, кубизм, футуризм, экспрессионизм, дадаизм, сюрреализм, мавҳум санъат ва бошқалар.
Woodcut	Ксилография	Ксилография	дарахтга ишланган ўйма нақш. Расм юзаси текис бўлган, бўёқ билан бўялган тахта юзасига туширилади. Расмлар орасидаги чуқурлик ўймакор қаламча билан туширилади. Шакл 15000 гача босиб туширилган изни кўтара олади.

Cubism	Кубизм	Кубизм	XX аср 1 ярмининг замонавий йўналиши. Шаклланмаган, нур ва соясиз, истикболсиз, текислик ҳажмига қўйилган комбинатсиясиз (куб, шар, цилиндр, конус), қўпол шакллар. Бир бирини кесиб ўтувчи, сиқжигилган предмет ва шаклларни геометриялаш. Ранглар жилоси. Коллаж бўлиши мумкин.
Luck	Лак	Лак	(нем.ласк, фран. лакуер суртиш, қошлаш) 1. Турли эритгичларда суюқ ёки ярим суюқ ҳолатгача бўлган елим эритмаси. Лакни суртиш қуриган расм юзасига юпқа қатлам билан, ҳимоя қатламини яратиш учун суртилади. Қуриганидан сўнг лаклар ялтироқ қаттиқ парда билан қандайдир текисликни қошлайди, физик кимёвий таъсирларга қарши тура олади.
Glaze	Лессировка	Лессировка	(нем. Ласиерунг глазур, Ласиерен бўяш, Ласур кўк тош, фран. Гласер сирламоқ, глазур, ялтироқлик). Рассомлик санъати техникаси, корпусли рассомчилик юзасига ингичка, ярим тиниқ ранглар қатламини суртиш йўли билан чуқур ранг турларини олиш учун қўлланилади.
Line	Чизиқ	Линия	(лот. Линеа – зигир ип). Тасвирий санъат ва рассомчиликда ифодали тасвирий восита. Чизиқ, график ёки бўёқ воситалари билан тасвирий юзага чизиш орқали юзага келади. Чизиқ доим қалинлик, фарқлилик ва услубга эга бўлади. Тасвирий санъатда чегара, бирор-бир юза ва ўраб турувчи муҳит контури ҳисобланади.
Pap	Том	Мазок	мўйқалам тортиб бўёқ бериш – асосга (мато, картон ва бошқалар) туширилган бўёқли мўйқалам изи. Мазок билан ишлаш техникаси турли ва у муаллифнинг шахсий ҳаракати, олдига қўйган вазифалари, у ишлаётган материал хусусиятларига боғлиқ.
Marina	Марина	Марина	(фран.марине, итал.марина, лот.маринус – денгизга оид) денгиз кўринишлари ва кемалар тасвири. Манзаранинг мустақил тури сифатида марина ХВИИ асрда европа санъатида ташкил топган ва ўзининг илк тараққиётини голландия рассомлари томонидан топган. Марина жанрида ишловчи рассомлар маринистлар деб номланади.

Palette knife	Мастихин	Мастихин	(итал .местичино – куракчасимон асбоб) – пичоқ ёки куракча кўринишидаги пўлат асбоб. Мастихин рассомлар томонидан палитарни тозалаш ёки расмдан қуримаган бўёқни қисман ўчириш учун қўлланилади. Шунингдек, мастихин мўйқалам ўрнига бўёқни текис қатлам билан ёки расмга рельеф мазкалари билан суртиш учун қўлланилади.
Motive	Ғойа	Мотив	1) рассом томонидан тасвир учун танланган натура обекти, камдан-кам манзара. Мотив – боғлиқлик, расм ёки этюднинг тасвир ёки ранг ҳолатини аниқлайди. 2) безак санъатида – кўп марота такрорланиши мумкин бўлган орнамент композитсиясининг асосий элементи.
Mulyaj	Думмй	Думмй	натура ёки бирон-бир ҳайкалтарошлик асаридан олинган аниқ нусха. Мум билан бўялган (елим – гипс ва бўр аралаштирилган масса) мева, сабзавот ва бошқа предмет муляжлари баъзида ёрдамчи кўриш воситалари сифатида қўлланилади.
Sketch	Хомаки режа	Зарисовка	рассом томонидан тез бажарилган, катта бўлмаган ўлчамдаги рассомлик, графика ва ҳайкалтарошлик санъати асари.
Nature	модел	Натура	тасвирий санъатда рассом чизаётганда кузатадиган бутун борлиқ обектлари (предмет, одам, манзара). Натурани ва унинг таърифини танлашда рассом дунёни, ўз ижодий вазифасини сезади.
Still life	Натюрморт	Натюрморт	санъат жанри, инсонни ўраб турган муҳитни тасвирлайди, қоидага кўра, композитсион ташкил этилган (ўрнатилган). Жонсиз нарсалар, жонли табиат обектлари, буюмга қаратилган. Рамзий мазмунга ва ижтимоий ўхшашликка эга.
Image	Қийофа	Образ	санъатда бутун борлиқ ҳодисаларини тасвирлаш шакли, бутун борлиқни бадиий тасвирлаш шакли. Тасвирий санъатда образ фикрнинг аниқ, яққол тасвири.
Pointillism	Пуантилизм	Пуантилизм	тасвирий санъат техникаси, неоимпрессионизмга ҳос хусусият. Майда, баъзида нуқтали ёзув
Female	Розетка	Розетка	(фран.росетте, деярли – атиргул) – очишган гул (масалан, атиргул) тимсолидаги орнаментал безак.
List decorative	Декоратив безак	Декоративны орнамент	архитектура иншоотларида, декоратив безак санъатида тасвирий санъат

			воситалари ёрдамида яратиладиган орнаментал ва сюжет композитсиялари.
Romanticism	Романтизм	Романтизм	ижодий шахслигини англаш, ижод озодлигини Х ва ўзига ҳослигини В танганади суратда И билдиришда яққол намоён бўлди. XIX аср охирида санъат йўналиши. Бу санъат турида келажакка ишонч ва умидсизлик, анъана ва янгилик яратувчанлик, завқ олиш ва аччиқ кулгу, трагедия ва комедия, баланд ва паст, орзу ва кўнгли қолиш каби хусусиятлар бирлашади. Илк марта ўзининг
Rococo	Рококо	Рококо	XVIII асрда Европа пластик санъати услуби. Нафис, назокатли, декоратив кийин.
Figure	Расм	Рисунок	график воситалар – чизиқлар, штрих, доғлар ёрдамида қўлда чизилган тасвир. Уларнинг уйғунлиги пластик шакл, ранг ва нур уйғунлигини беради. Қондасига қўра, битта рангда ёки чегараланган миқдордаги ранглардан фойдаланилади. Технологияси: курак ва суюқ бўёқ воситалари. Қуруқлари: кўмир, графит қалам, сангина (қизил бўёқ). Суюқлари: туш, сепия, сиёҳ. Асоси: пергамент, қоғоз.
Reflex	Рефлекс	Рефлекс	графикада камдам-кам, тасвирий санъатда: ўраб турган объектлардан бирор-бир предметга ранг ва нурнинг тушган акси. Бирбутун қисмларининг кийин ўзаро алоқаси
Restoration	Тиклаш	Восстановить	хайкалтарошлик, тасвирий санъат ва бошқа (Миллар). Махсус усуллар у ёрдамида, илмий с тадқиқотлар асосида амалга ошириладиган камлашнинг барча турлари ва усуллари, шикастланган, бузилган маданият ёдгорликларининг тикланиши (архитектура,
Realism	Реализм	Реализм	санъатда: бутун борлиқнинг объектив тасвири. Кўпгина санъат йўналиши ва оқимларига ҳос бўлган ҳақиқатга мойилликнинг намоён бўлиши. Улар аниқ ёки ноаниқ намоён бўлади, ёки умуман мавжуд бўлмайди.
Retouch	Ретуш	Ретуш	(франс. Реточаж –, тўғирлаб қўйиш) – тасвир хатоларини тўғирлаш.
Rhythm	Ритм	Ритм	тасвирдаги композитсион қурилиш, ўз навбатида акетма кетлик ёки қайтарилиш қисмларини англатади. Ритм рассомлик образининг ифодавийлигини оширади, кучайтиради.

Sanguine	Сангина	Сангина	(франс. Сангуине, лот. Сангуинелис тўқ (қонли) қизил) – қизил ва жигар рангли қаламларнинг турли хил тоналари.
Light	Ёруғлик	цвет	тасвирий санъатда соя ёруғ` элементи. Натурада бўлгани каби, тасвирда ҳам бу атама энг ёруғ қисмларини ко`рсатиб беришда қўлланилади.
Chiaroscuro	Соя ёруғ	политен	нарсаларнинг шаклини ва ҳажмини тўғри бажаришда ёруғ ва соя қонунлари муҳим аҳамиятга эга.
Silhouette	Қиёфа	обликъ	натурада қоматнинг ёки предметнинг умумий ко`риниши. Санъат асарларида: қомат деб ортиқча деталлар, ортиқча ҳажмсиз турган предмет ёки натурага айтилади.
Symmetry	Симметрия	Симметрия	предмет ёки композиция асарининг шундай қурилишики, бир хил турдаги қисмларнинг бир-бирига нисбатан параллел жойлашиши, унда ихтиёрий объектнинг марказий ўқидан бир хил узоқликдаги масофада жойлашган ҳолати.
Sauce	Соус	Соус	мўйқаламда чизиш учун мўлжалланган графит ва сув аралашма -сидан тайёрланган қуюқ масса.
Easel painting	Дастгоҳли ранг тасвир	Станковая живопись	номи тасвир яратиладиган дастгоҳдан келиб чиққан. Дастгоҳли ранг тасвир доимо ўз мазмунига эга бўлади. Уларнинг бадиий хусусиятлари ташқи муҳитга боғлиқ эмас.
Style	Услуб	Стиль	муаллифнинг ижод мактабида рассомликнинг аниқ бир ёналишига характерли образли тизими қатъий бирлиги ва тасвирлаш усули. Атама турли маъноларда қўлланилади, қўпинча кенг маънода қўлланилади.
Background	Фон	Фон	(франс. – чуқурлик, туб) тасвирий санъатда натура, манзара, объектнинг орқадаги кўриниши, орқа плани тушунилади. Бунда фон одатда нейтрал ҳолда, ёки баъзи бир ҳолларда оддий тасвирга эга бўлган ҳолда жойлашади
Form	Форма	Форма	ташқи кўриниш. Тасвирий санъатда форма ҳажми, конструкцияни ҳамда мутаносибликни англатади
Chromatic colors	Хроматик ранглар	Хроматический цвет	бир-биридан асосий сифати, ва кўриниши билан ажралиб турадиган ранглар. Хроматик рангларга – қуёш нурлари тушганда ҳосил бўладиган, қуёш нурлари спектридаги ранглар. Ранглар спектори

			шартли равишда “ранглар доираси” да жойлашади. Бу доирада ранглар совукда иссиққа қараб кетма - кетликда жойлашади.
Pencil	Қалам	карандаш	Чизматасвир ишлаш учун ишлатилади
Lasting	Очирғич	Ризинка	Чизматасвирда ўчириш учун ишлатилади.
Arrangement	Компоновка	Компоновка	Матода текисликлигида композицион жойлаштириш ва қуриш
Cool color	Совук ранг	Холодный цвет	музни, қорни, сувни эслатувчи зангори, кўкиш, яшил, тўқ бинафша ва ҳаво ранглардир.
Warm color	Иссиқ ранг	Тепле цвет	Кунни, қуёшни, баҳорни ва гулларни эслувчи сарик, қизил, пушти ранглар
Prices	Соя	Тен	нарсаларнинг шаклини ва ҳажмини тўғри бажаришда ёруғ ва соя қонунлари муҳим аҳамиятга эга.
Half price	Яримсоя	Поли тен	ним соя, нарсаларда ва тасвирда ёруғ билан соя ўртасидаги қисм. юмшоқ қалам. Шу қалам ёрдамида ишланган асар ҳам «соус»
Sauce	Соус	Соус	дейилади. Рассомликда кенг тарқалган усуллардан бири. Биноларни безашда, дастгоҳли санъат асарларида кенг қўлланилади. Темпера билан ишланган картиналар, безаклар қуёш нури ва чангдан яхши асралса, ўз рангини, тусини яхши сақлаб қолади.
Setting	Постоновка	Постоновка	Ишлаш учун мўжалланган нарсалар жамланмаси
Sketch	Қоралама	Эскиз	Қисқа мудатли тасвир
Gamma	Гамма	Гамма	ранг гаммаси маъносида, рангнинг турли туслари, масалан, илиқ ва совук ранг туслари.
The tablet	Планшет	Планшет	Расм чизишда фойдаланиладиган ускуна
Sangina	Сангина	Сангина	Қораламалар учун ишлатиладигон қалам тури
Coal	Угол	Уголь	Қораламалар учун ишлатиладигон қалам тури
Retouching	Ретуш	Ретуш	Қораламалар учун ишлатиладигон қалам тури
Brush	Мўйқалам	Кист	Расм чизиш учун керакли анжом
Palette	Палитра	Палитра	рассом бўёқ қорадиган тахтача. Металл, чинни, баъзан ёғочдан тайёрланади. Маълум бир рассом, расм учун характерли бўлган ранг, бўёқлар ҳам палитра деб юритилади
Oil	Мойбўёқ	Мослинный Краска	- ўсимлик ёғи билан аралаштирилган бўёқлар: (лён, лола - қизғалдок ёки ёнғоқли).
Pastel	Пастель	Пастель	расм чизиладиган махсус рангли қалам, шу

			қалам билан чизилган расм. График қалам кўп фойдаланилади.
Watercolor	Сув бўйок	Акварель	Сув ёрдамида чизиладигон краска
Texture	Фактура	Эффект	бадий асар сиртининг ишланиш ёки тузилиши хусусияти. Бадий мохирликнинг ўзига хослиги ҳам, фойдаланилган материал сиртининг табиий хусусиятлари ҳам фактура деб юритилади.
The size	Хажм	Размер	текисликдаги шаклнинг уч ўлчамли тасвири.
Etude	Этюд	Этюд	(франц. - машқ) - рассом натурани ўрганиш жараёнида унга қараб, кузатиб чизган тасвир.
Volume	Шакл	Объём	жисмнинг ташқи кўриниши, чизилиши, хажмнинг конструктив тузилиши,
Background	Фон	Фон	замин - картина ва графика асари, рельеф ва нақшда асосий шаклнинг орқа кўриниши, қўшимча тасвир
Each	Тус	Тус	оханг, рангларга нисбатан ишлатилади.
Tone	Тон	Тон	юнончадан “кучланиш”, қаламтасвир ёки рангтасвир ишлаш жараёнида буюм туси ёки рангнинг ёруғлик тушиши натижасида ҳосил бўладиган ёритилиши, оч-тўқлик даражаси кучига айтилади.
Symmetry	Симметрия	Симметрия	- грекча сўз бўлиб, ўлчамларнинг бир-бирига мослиги, тенглиги, мутаносиблигидир. Симметриянинг бир канча турлари бор.
Silet	Силэт	Силэт	киши, хайвон, қуш, нарса ва бошқаларнинг сояга ўхшатиб бир рангда ишланган тасвири.
Sepia	Сепия	Сепия	жигарранг бўёқ. Шу бўёқда ишланган бадий тасвир.
Rhythm	Ритм	Ритм	композициянинг энг кучли ва ҳарактерли асоси ҳисобланади
Reflex	Рефлекс	Рефлекс	Нарсаларда шахсий соянинг энг чеккасига унинг ёнидаги нарсадан ёки текисликдан акс этган нурлар билан ёритилган жой.
Retouch	Ретуш	Ретушь	(франц. - тасвирни тузатмоқ) - тасвир (расм, фотосурат, нақш ва шу кабилар)ни қалам, бўёқ билан тузатиш, яхшилаш.
Foreshortening	Ракурс	Ракурс	(франц. гассоигец - қисқариш маъносиди)- тасвирий санъатда турли нарсаларни қисқартиб акс эттириш
Profile	Профил	Профиль	(итал. - кўриниш) - юз ёки бирор нарсанинг ён томонидан кўриниши.
Proportion	Пропорция	Пропорция	(лот.— муносабат) - бадий асарнинг алоҳида элементлари ва бутун асар

			катталиклари муносабати.
Postimpressionism	Постимпрессиони зм	Постимпрессиониз м	импрессионизмдан кейинги бадиий оқим.
Plinth	Постамент	Постамент	музей, бадиий кўргазмаларда хайкалларнинг тагига қўйиладиган мармар, ёғоч таглик.
Portret	Портрет	Портрет	(франц. - тасвир) - реал борлиқда мавжуд бўлган ёлғиз, икки ёки бир гуруҳ кишиларнинг тасвири.
Podramnik	Подрамник	Подрамник	таг ром, расм ишланадиган матони тортиб турадиган қурилма.
Podmalevka	Подмалевка	Подмалевка	(дастлабки суртма ишланмаги) - мойбўёқ билан подмалёвка ҳамда лессировкадан кейин, матодаги асосий босқич.
Plener	Пленер	Пленер	франц. (очиқ кенглик)- табиат, табиат манзараси, мухит, табиат кучоғида тасвирлаш ва унинг ўзига хослигини мужассам этувчининг ифодасини яратиш.
Plasty	Пластика	Пластика	уйғунлик, ифодалилик тасвирлар яратиш (санъати юнон. Пластике мулойим, гўзал) - хайкалтарошлик, бўрттириб ҳажмли турли шакллар яратишди
Prospect	Перспектива	Перспектива	нарсаларни текисликда тасвирлаш қонун-қоидаларини ўрганувчи амалий фандир.
Landscape	Манзара	Пезайж	(франц. жой, макон) - тасвирий санъат турларидан бири. Манзара.
Ornament	Нақш	Орнамент	нақш, безак. Геометрик шакллар билан ўсимлик ёки хайвонлар оламидан олинган тасвирларни кўшиб, уйғунлаштириб ишланган бўёқли, ўйма ёки чизма нақш, безак.
New original	Хақиқий	Оригиналь	асли, асл нусха, асл кўриниш
Nuance	Нозик фарқ	Нюанс	франц. нюансе нозик фарқ.
Form	Қиёфа	Образ	қиёфа, сиймо, ифода, талқин.
Easel	Молберт	Мольберт	рассомликда ишлатиладиган уч оёқли дастгоҳ. рекча сўз. Эгилувчан пўлатдан ясалган махсус асбоб
Mostixin	Мастихин	Мостихин	бўлиб, рангтасвир ишлаш жараёнида палитрани ортиқча бўёқлардан тозалаш мақсадида ва қуримасидан олдин нотўғри қўйилган бўёқ қатламини сидириб олиб ташлаш учун фойдаланилади.
The Battle of the genre	Маиший жанр	Бытовой жанр	кундалик турмушда учрайдиган ходисаларни ўзида акс эттирган тасвирий санъатнинг бир кўриниши.
Lots	Локлар	Локлар	рассомлар грунтларни локлар билан қоплашади, шунда мойбўёқ холстга сингиб кетмайди.

Илова



Тайёр эскиз



Эскиз ва рангга ўтган ҳолати



Эскиз катта форматда



Композиция яратилиш жараёни



Композиция яратилиш жараёни



Лойиҳа тайёрлаш жараёни



Яратилган композиция асаридан фрагмент



Якуний композиция кўриниши